

# СОЛИҚ ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 52 (1376) • 2020 йил 29 декабрь

ISSN 2010-524X

## УШБУ СОНДА

Ижара ҳақиға коммунал тўловлар ҳам киритилганда ҚҚСни ҳисоблаш

3-бет

Норезидентнинг роялти тарзидаги даромадидан фойда солиғи тўланадими?

4-бет

Ҳисобга олинмайдиган даромадларни ҳисоб-китобда акс эттириш

5-бет

Қонун ҳужжатларида қандай янгиликлар бор?

7-12-бетлар

Аудиторлик ташкилоти қўшимча инвентаризацияни талаб қилиши мумкинми?

14-бет

Божхона почтаси: асбоб-ускуна олиб келаман – менга имтиёз борми?

15-бет

### ХУРМАТЛИ ЎҚУВЧИЛАР!

«Солиқ ва божхона хабарлари» газетасининг биринчи сони 2021 йил 12 январь сешанба куни чиқади.

## Кириб келаётган Янги йил билан!

### ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ-2021: АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

«2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонун (25.12.2020 йилдаги ЎРҚ-657-сон) эълон қилинди.

Хужжат билан, хусусан, куйидагилар тасдиқланди:

- а) 2021 йил учун Консолидациялашган бюджетнинг жамланма параметрлари:
- даромадлар – 178 712,4 млрд сўм;
  - харажатлар – 216 246,6 млрд сўм;
  - давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар – 15 928,9 млрд сўм;
  - Консолидациялашган бюджет сальдоси – дефицит -37 534,2 млрд сўм;
  - Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари сальдоси – дефицит – 17 346,8 млрд сўм;
  - давлат қарзларини сўндириш – 7 767,7 млрд сўм;

б) келаси йил учун Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози:

- ЯИМ – 688 936 млрд сўм, ЯИМнинг ўсиш суръати – 5,1%;
- истеъмол нархлари индекси, ўтган йил декабрига нисбатан – 9%-10%;
- sanoat маҳсулотларининг ўсиш суръати – 5,8%, қишлоқ, ўрмон ва баллиқ хўжалиқларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати – 3,5%, чакана товар айланмасининг ўсиш суръати – 5,9%.

Шунингдек, 2022–2023 йиллар учун тегишли бюджет ва мақсадли мўлжаллар, 2021 йил учун бюджет тизими бюджетлари, давлат мақсадли жамғармалари ва Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кесимида даромадлар ва харажатлар прогнози келтирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳажми 903,4 млрд сўмни ташкил этади (2020 йилда – 731 млрд сўм), барча даражадаги бюджетларнинг захира жамғармалари эса умумий харажатларнинг 1%идан кам бўлмаган миқдорларда шакллантирилади (2020 йилда – 1,5%). Бюджет тизими барқарорлигини таъминлашнинг жорий йилдаги каби механизмлари амал қилади.

Давлат номидан ёки давлат кафолати остида жалб қилинадиган давлат қарзи суммаси ЯИМнинг йиллик прогноз кўрсаткичига нисбатан 60%дан ошмаслиги керак. Ички ва ташқи қарзни жалб этиш бўйича имзоланадиган янги битимларнинг чекланган соф ҳажми – 5,5 млрд АҚШ доллари, шундан:

- Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш учун – 2,2 млрд АҚШ доллари (шу жумладан, давлат қимматли қоғозлари – 5 трлн сўм);
- инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун – 3,3 млрд АҚШ доллари.



• 2021 йил учун мамлакатимизнинг консолидациялашган бюджети тақчиллигининг чекланган миқдори ЯИМнинг 5,4%и миқдориди белгиланди.

Бундан ташқари, қонун билан мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари, алко-голли маҳсулотларни чакана сотиш ҳуқуқи учун йиғимлар ва автотранспорт йиғимлари тасдиқланди.

Қонун Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 1.01.2021 йилдан кучга киради.

Олег ЗАМАНОВ,  
«Norma» МЧЖ эксперти.

### ДОЛЗАРЬ МАВЗУ


## БОЖХОНА ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ЯНАДА СОДДАЛАШТИРИШ ВА УЙҒУНЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Куни кеча – 21 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги халқаро конвенцияга (Киото, 1973 йил 18 май, 1999 йил 26 июнда қабул қилинган ўзгартиришлар билан) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги ЎРҚ-654-сон Қонуни қабул қилинди. Бу билан республикамизнинг мазкур халқаро Конвенцияга қўшилишига ҳуқуқий асос яратилди.

Конвенциянинг асосий мақсади нима, унга қўшилиш мамлакатимиз учун қандай аҳамиятга эга? Мухбиримиз ДБК Халқаро ҳамкорлик бошқармаси бош инспектори Миршод ҚУРБОНОВ билан шулар ҳусусида суҳбатлашди.

– Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги халқаро конвенция, қисқача қилиб айтганда, Киото конвенцияси Жаҳон божхона ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ўз олдига божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш орқали ташқи савдо субъектларига қулай шарт-шароит-

лар яратишни мақсад қилиб қўйган, – дейди М.Қурбонов. – Хужжат 2006 йил 3 февралда янги таҳрирда кучга кирган ва унда мазкур ташкилотга аъзо **183 та давлатдан 126 таси**, шу жумладан **7 та Ҳамдўстлик мамлакатлари** (Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Россия, Тожикистон ва Украина) иштирок этмоқда.



Хужжат дастлаб 1973 йилда қабул қилинган бўлиб, унга 1999 йил 26 июнда ўзгартиришлар киритилган. Мазкур ўзгартиришлар 2006 йил 3 февралда, яъни Конвенцияга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида Баённомани имзолаган 40 та давлат томонидан ратификация қилингандан сўнг кучга кирган.

– Ўзбекистон мазкур ҳужжатга нима учун олдинроқ, масалан, 2000 йилларда қўшилмаган?

– Республикаимизнинг мазкур халқаро шартномага шу пайтгача қўшилмаганлигининг бир қатор сабаблари мавжуд. **Биринчидан**, миллий божхона қонунчилигимиз меъёрлари, хусусан Божхона кодекси

16-бетга

## МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗ ҲАҚИДА

Корхона 2019 йилда ташкил этилган ва ташкил этилган пайтдан эътиборан 2 йил муддатга мол-мулк солиғини тўлашдан озод этилган. Имтиёз муайян муддатга тақдим этилганига асосан у имтиёздан 2020 йилда фойдаланишда давом эттириши мумкинми?

Ушбу саволга жавоб беришни [buxgalter.uz](http://buxgalter.uz) мелия вазирининг ўринбосари Дилшод СУЛТОНОВдан илтимос қилди:

– 2007 йил тахриридаги Солиқ кодексига янги ташкил этилган корхоналар учун юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича имтиёз назарда тутилган эди. Улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан 2 йил давомида солиқни тўлашдан озод этилганди. Бунда имтиёз қайта ташкил этилган юридик шахслар негизда ташкил этилган корхоналарга, шунингдек бошқа корхоналар ҳудудида шу корхоналардан ижарага олинган асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда ўз фаолиятини амалга ошираётган юридик шахсларга нисбатан қўлланилмаган (2007 йил тахриридаги СК 269-м. 2-қ. 4-б.).

2020 йилдан буён амал қилаётган Солиқ кодекси мазкур имтиёзга назарда тутилган. Бунда 2007 йил тахриридаги СКда назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар 2020 йил 1 апрелга қадар амал қилган (30.12.2019 йилдаги ЎРҚ-599-сон Қонун 4-м.).

Бинобарин, 2019 йилда ташкил этилган ва мол-мулк солиғини тўлашдан озод этиш тарзидаги имтиёзни қўллаган корхоналар ушбу имтиёздан 2020 йил 1 апрелга қадар фойдаланишга ҳақли бўлишган.

2020 йил 1 апрелдан бошлаб имтиёз, 2007 йил тахриридаги СКда назарда тутилган 2 йиллик муддат ўтган ёки ўтмагандигидан қатъи назар, тўхтаб қолган.



**Қўйидагилар 2020 йилнинг 1 июнидан 31 декабргача бўлган даврда мол-мулк солиғини тўлашдан озод қилинган:**

- кичик тадбиркорлик субъектлари (микрфирмалар, кичик корхоналар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар);
- бозорлар ва савдо комплекслари;
- кинотеатрлар;
- умумий оқатланиш корхоналари;
- жамоат транспорти корхоналари;
- спорт-соғломлаштириш муассасалари;
- йўловчи ташиш, машиш хизматлар кўрсатиши, биноларни, шу жумладан банклар ўтказиш учун ижарага бериш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар (18.05.2020 йилдаги ПФ-5996-сон Фармон 1-б.; 20.07.2020 йилдаги ПФ-6029-сон Фармон 7-б.)

### УШБУ СОНДА:

– Давлат бюджети-2021: асосий кўрсаткичлар

#### • ДОЛЗАРБ МАВЗУ

– Божхона тартиб-таомилларини янада соддалаштириш ва уйғунлаштириш йўлида

1–16-бетлар

#### • СОЛИҚ СОЛИШ

– Мол-мулк солиғи бўйича имтиёз ҳақида

– Товар белгисидан фойдаланганлик учун роялти

– ҚҚС ўрнини тезлаштирилган тартибда қоплашга бўлган ҳуқуқ

– Коммунал хизматлар қиймати ижара ҳақида киритилганда ҚҚС қандай ҳисобланади?

– Норезидентга роялти тўлови: фойда солиғи қандай солинади?

– Хизматлар кўрсатишда ҚҚС

– Чартер рейсдан даромад

– Ҳисобга олинмайдиган даромадлар

– ЖШДС ва ижтимоий солиқ ҳисобкитоби шакли янгиланди

2–6-бетлар

#### • ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни



**Ўзбекистон Республикаси резиденти (юридик шахс) норезидентдан товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини олмақчи.**

**Ушбу ҳолатда норезидент даромадида солиқ солинадими?**

## ТОВАР БЕЛГИСИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН РОЯЛТИ

– Товар белгисидан (хизмат кўрсатиш белгисидан), савдо маркасида фойдаланганлик учун ЎЗР норезидентига ҳар қандай турдаги тўловларга роялти сифатида қаралади. Бу тўловларга тўлов манбаида **фойда солиғи** солиниши керак (СК 44-м., 351-м. 2-қ. 4-б.).

ЎЗР норезидентига тўланадиган даромадлар, агар **ҳақиқий** даромад олувчи резиденти ҳисобланган мамлакат билан **икки томонлама солиқ солишнинг олдини олиш тўғрисидаги битим мавжуд бўлса** ва ушбу битимда тегишли норма назарда тутилган тақдирда солиқни ушлаб қолмасдан

**ёки пасаитирилган ставка қўлланилган ҳолда** тўланиши мумкин.

Бундай битим ва унда тегишли норма мавжуд бўлмаса ёки ҳақиқий даромад олувчи бундай нормалар мавжуд бўлганда резидентлик сертификати тақдим этмаган тақдирда, фойда солиғи **20%лик ставка** бўйича тўлов манбаида ушлаб қолиниши ҳамда даромад тўлаш қунидаги МБ курси бўйича миллий валютада қайта ҳисобланган ҳолда ЎЗР бюджетига тўланиши лозим (СК 353, 357-м.).

**Замира ЖЎРАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.**

## ҚҚС ЎРНИНИ ТЕЗЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБДА ҚОПЛАШГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ



**Солиқчилар ҚҚС ўрнини тезлаштирилган тартибда қоплаш учун аризани кўриб чиқишни рад этишди. Сабаби – хавфни таҳлил қилиш натижаларига биноан компания солиқларни тўламаслик ҳуқуқбузарлиги хавфи даражаси юқори бўлган солиқ тўловчилар эҳтимолга киритилган. Вазиятни қандай тўғриласа бўлади? Корхона учун яқинда қисқа муддатларда қоплашни олиш яқинда мумкин.**

**Вазиятни ДСҚ ҚҚС маъмуричилиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Фуркат ҚўШЧОНОВ шарҳлаб берди:**

– ҚҚС ўрнини тезлаштирилган тарзда қоплаш тартиби (ариза берилган пайтдан эътиборан 7 кун ичида) қуйидагиларга нисбатан қўлланилади:

1) Ўзбекистоннинг юридик шахсларига-йирик солиқ тўловчиларга;

2) солиқни қоплашга доир ариза билан бирга амалдаги банк кафолатини тақдим этган ёки солиқ органлари билан гаров шартномасини СКнинг 107 ёки 109-моддаларида белгиланган тартибда расмийлаштирган солиқ тўловчиларга;

3) экспорт ва унга тенглаштирилган операцияларни амалга оширадиган шахсларга – агар илгари бу шахсларга солиқ суммаси қопланган ва бунда қонунбузарликлар аниқланмаган бўлса, ноль даражали солиқ ставкаси қўлланилиши натижасида ҳосил бўлган солиқнинг ошиб кетган суммалари қисмида;

4) чет эл дипломатик ваколатхоналарига ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарига;

5) махсулот тақсимотида оид битим иштирокчиларига, агар бундай

битимда ноль даражали ставка қўлланилиши назарда тутилган бўлса;

6) солиқ мониторинги иштирокчиларига (СК 274-м. 4-қ.; Низомнинг 33-б., 14.08.2020 йилдаги 489-сон ВМКга 1-шлова).

Бунда камерал текширув маблағлар қайтарилгандан кейин ўтказилди. Агар унинг натижаларига биноан ҳуқуқбузарликлар аниқланса, солиқ тўловчи ҚҚСни тезлаштирилган тарзда қоплашга бўлган ҳуқуқни йўқотади. Бундай вазиятда бюджетга асосланмаган тарзда қопланган солиқ суммаси ва пеняни тўлаш зарурати санкция бўлади. Бундан ташқари виждонсиз солиқ тўловчи солиқларни тўламаслик хавфи даражаси юқори бўлган тадбиркорлар тоифасига тушади (СК 274-м. 5-қ.; 489-сон Низомнинг 34-б.).

Солиқларни тўламаслик хавфи даражаси юқори бўлган тадбиркорлар тоифасига «хавфни таҳлил қилиш» тизими натижалари бўйича ҳам киритилиши мумкин.

СКнинг 274-моддасига асосан ҚҚСни тезлаштирилган тарзда қайтариш ҳуқуқига эга бўлган тадбиркорлар солиқларни тўламаслик хавфи даражаси юқори бўлган солиқ тўловчилар тоифасига киритилган тақдирда бу ҳуқуқни йўқотадилар. Уларнинг аризалари умумий асос-

ларда 60 кун ичида кўриб чиқилади (Низомнинг 32-б.).

Солиқ органи томонидан солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи юқорилиги тўғрисида тадбиркор хабардор қилинади ҳамда камерал назорат ташкил этилади. Агар тадбиркор солиқ органларининг ҳулосаларига рози бўлмаса, у юқори турувчи органлар ёки судда улар устидан шикоят қилишга ҳақли (Низомнинг 9, 17-бандлари, АВ рақами 3075, 5.10.2018 й.).

**ҚҚСни тезлаштирилган тарзда қоплаш ҳуқуқини қандай қайтариш мумкин?**

ҚҚСни тезлаштирилган тарзда қайтариш ҳуқуқини фақат тадбиркорлик субъектининг «солиқ» бўйича ишончлилиги баҳоси ошса ва хавфни таҳлил қилиш тизими уни ўртга ёки паст хавф гуруҳига киритган тақдирда қайтариш мумкин бўлади. Бу **фақат хавфни таҳлил қилиш тизими томонидан автоматик тарзда ўтказилган навбатдаги таҳлил натижалари бўйича** рўй бериши мумкин. Тадбиркорлик субъектларини бундай баҳолаш чоракда бир марта ўтказилади (3075-сон Низомнинг 5, 7-бандлари).

**Саида ЖОНИЗОҚОВА**  
тайёрлади.

фатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида».

7–12-бетлар

• **АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ**  
– Воситачилик шартномаси бўйича чегирма ҳисоби  
– Аудитор инвентаризацияни талаб қилганда

13–14-бетлар

• **БОЖХОНА**  
– Технологик асбоб-ускуна: янги имтиёзлар  
• **БАЙРАМ ШУКУҲИ**  
– Болалар кулганда

15–16-бетлар

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари холларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashriga» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

# КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР ҚИЙМАТИ ИЖАРА ҲАҚИГА КИРИТИЛГАНДА ҚҚС ҚАНДАЙ ҲИСОБЛанаДИ?



Баъзи ижарага берувчилар ижарага олувчиларга алоҳида қоплашни тақдим этмаган ҳолда ижара ҳақини коммунал харажатларни ҳисобга олган ҳолда белгилайдилар. Бундай ҳолда ҚҚС қандай ҳисоблаб чиқарилиши, ҳисобот қандай тўлдирилиши ва бухгалтерия ҳисобида ўзаро ҳисоб-китоблар қандай акс эттирилишини «Norma» компанияси эксперти Ирина АХМЕТОВА тушунтирди:

– Агар ижарага олувчи томонидан истеъмол қилинган электр ва иссиқлик энергияси, сув, газ, коммунал хизматлар ва алоқа хизматларини (кейинги ўринларда – коммунал хизматлар) уларни етказиб берувчилар томонидан ижарага берувчига тақдим этиладиган коммунал хизматларнинг умумий қийматида ажратиб кўрсатишнинг имкони бўлмаса, ижара ҳақини ушбу хизматларни ҳисобга олган ҳолда белгилаш мумкин. Коммунал хизматлар ижара ҳақига, қондага кўра, ижарага олувчилар эгаллаган майдонга мутаносиб равишда қўшилади.

Ижарага олувчига тақдим этиладиган ҳисобварақ-фактурада – ижара

рага берувчи ҚҚС тўловчиси бўлган тақдирда ҚҚСни ажратиб кўрсатган ҳолда ижара ҳақининг умумий суммаси кўрсатилади.

Ижарага олувчилар билан ҳисоб-китобларда бундай вариантда:

- барча коммунал хизматлар, шу жумладан – ижарага олувчилар томонидан истеъмол қилинганлари, харажатлар сифатида ҳисобга олинади;
- коммунал корхоналар томонидан тақдим этилган ҚҚС ҳисобга олинади (ҳисобга олишнинг барча шартларига риоя қилинган тақдирда);
- коммунал хизматлар қийматини ўз ичига олган ва ижарага олувчиларга тақдим этиладиган ижара ҳақи даромад сифатида ҳисобга олинади.

**МИСОЛ.** Коммунал хизматлар қийматини ўз ичига олган ижара ҳақининг ҳисоби

ҚҚС тўловчиси бўлган ижарага берувчи бинони ижарага беради. Шартномага асосан коммунал хизматлар қиймати ижара қийматидаги киритилган бўлиб, у ойига 1 610 минг сўмни ташкил этади, шу жумладан ҚҚС – 210 минг сўм.

Ижарага берувчига коммунал корхоналар томонидан ой учун тақдим этилган коммунал хизматларнинг умумий қиймати 1 380 минг сўмни ташкил этади, шу жумладан ҚҚС – 180 минг сўм.

## РЕКЛАМА

**«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»**

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1.  
Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz,  
web: www.norma.uz

Бухгалтерия ўтказмалари:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
<i>Ижара – ижарага берувчининг асосий фаолияти</i>			
Мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромад акс эттирилди	1 400	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»	9030-«Ишлар бажариши ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар»
Ижара ҳақидан ҚҚС ҳисобланди	210		6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (ҚҚС)»
<i>Ижара – ижарага берувчининг асосий фаолияти эмас</i>			
Мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромад акс эттирилди	1 400	4820-«Оператив ижара бўйича олинадиган тўловлар»	9350-«Оператив ижарадан даромадлар»
Ижара ҳақидан ҚҚС ҳисобланди	210		6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (ҚҚС)»
<i>Коммунал харажатлар</i>			
Коммунал корхоналар томонидан тақдим этилган коммунал харажатлар акс эттирилди (1 380 – 180)	1 200	2010-«Асосий ишлаб чиқариши», 9420-«Маъмурий харажатлар», 9430-«Бошқа операция харажатлар»	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар», 6990-«Бошқа мажбуриятлар»
Коммунал харажатлар бўйича ҚҚС акс эттирилди	180	4410-«Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)»	4410-«Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)»
		6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (ҚҚС)»	

ҚҚС (1-илова, АВ рақами 3221, 24.02.2020 й.) бўйича ҳисоботда операция бундай акс эттирилади:

1) ижарага олувчига тақдим этилган ЭХФ автоматик тарзда Реализация қилинган товарлар (хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар (ҳисобварақ-фактура ўрнини босадиган ҳужжатлар) реестрида (Сотувлар реестри, ҚҚС ҳисоб-китобига 5-илова) акс эттирилади:

- 6-устунда «Етказиб бериши қиймати (ҚҚСсиз)» – 1 400 минг сўм;
- 7-устунда «ҚҚС суммаси» – 210 минг сўм;
- 8-устунда «ҚҚС билан қиймати» – 1 610 минг сўм;
- 9 ва 10-устунларни ушбу сатр бўйича тўлдириши зарур эмас;

2) ижара ҳақини ҚҚСсиз (1 400 минг сўм) ҚҚС ҳисоб-китобига 1-илова «Солиқ давридаги товарларни (хизматларни) реализация қилиши бўйича айланмалар»нинг 0107-сатри 3-устунида акс эттириши зарур;

3) коммунал корхоналардан олинган ЭХФ автоматик тарзда Харид қилинган товарлар (хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар (ҳисобварақ-фактура ўрнини босадиган ҳужжатлар) реестрида (Харидлар реестри, ҚҚС ҳисоб-китобига 4-илова) акс эттирилади:

- 6-устунда «Етказиб бериши қиймати (ҚҚСсиз)» – умумий суммада 1 200 минг сўм;
- 7-устунда «ҚҚС суммаси» – умумий суммада 180 минг сўм;
- 8 ва 9-устунларни ушбу сатрлар бўйича тўлдириши зарур эмас.



Агар ижара шартномасига асосан коммунал хизматлар ижара ҳақига киритилмаса, балки ижарага олувчи томонидан истеъмол факти бўйича қопланса, ижарага берувчи учун: ижарага олувчи томонидан қопланадиган тўлов амалга оширилган (тўланиши лозим бўлган) коммунал хизматлар суммаси – харажат эмас; ушбу хизматлар бўйича ҚҚС ҳисобга олинмайди; ижарага олувчидан олинган қоплаши суммаси – даромад эмас (Низомнинг 50-б., 14.08.2020 йилдаги 489-сон ВМҚга 2-илова).

## НОРЕЗИДЕНТГА РОЯЛТИ ТЎЛОВИ: Фойда солиғи қандай солинади?

**?** Ўзбекистон корхонаси Россия компаниясига дастурий маҳсулотдан фойдаланиш ҳуқуқи учун роялти тўлайди. Норезидентнинг роялти тарзидаги даромадидан фойда солиғи тўланиши керакми?

– Роялти – бу ҳар қандай номдодий активдан, шу жумладан дастурий таъминот ва маълумотлар базасидан фойдаланганлик ёки фойдаланиш ҳуқуқи учун тўловлар (СК 44-м. 1-қ.).

**!** СКнинг 44-моддаси 2-қисмида тўловлар роялти сифатида қаралмайдиган ҳоллар келтириб ўтилган. Жумладан, компьютер дастурларидан фойдаланганлик учун тўланадиган тўловлар роялтига кирмайди, агар:

- фойдаланиш шартлари бундай дастурнинг мўлжалланган функционал мақсади билан чекланган бўлса;
- уни такрорлаш бундай фойдаланиш учун зарур бўлган кўчирма нусхалар сони билан чегараланган бўлса.

Ушбу ҳолда дастурни жойлаштирилган ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда соғлаш йўли билан мослаштирилган дастурлар версияларига ҳам тааллуқлидир. Мисол учун, ДТга муаллифлик ҳуқуқларидан фойдаланмаган ҳолда бухгалтерлик дастуридан фойдаланиш ҳуқуқи учун тўловларга роялти сифатида қаралиши мумкин эмас.

Ўзбекистонда доимий муассасага эга бўлмаган норезидентга роялти тўлаш чоғида, Ўзбекистон корхонаси фойда солиғи бўйича солиқ агентига айланади. Ҳар гал даромадни тўлаш чоғида 20% ставка бўйича солиқ ушлаб қолинг (СК 351, 353-м.).

**!** Ўзбекистон хорижий компаниянинг резидентлик давлати билан тузган иккиёқлама солиқ солишининг олдини олиш тўғрисидаги халқаро шартнома қоидаларини инобатга олинг (СК 6-м.). Шартнома солиқ солишининг бошқа қоидаларини, шу жумладан пасайтирилган солиқ ставкалари қўлланилишини назарда тутиши мумкин.

Ўзбекистонда ҳосил бўладиган ва Россия Федерациясининг резидентига тўланадиган роялтилар Россияда солиққа тортилади (Битим 12-м., Москва, 2.03.1994 й.). Халқаро шартноманинг ушбу қоидадини қўллаш ва солиқни ушлаб қоламаслик учун даромад тўлашдан олдин Россия компаниясидан куйидагиларни олинг:

- солиқ резидентлигини тасдиқловчи ҳужжат (СКнинг 358-моддаси таълифларини инобатга олган ҳолда);
- норезидент даромадни олишга бўлган ҳуқуққа ҳақиқатда эга эканлиги тасдиқномаси (СК 357-м. 4-қ.).

Агар бу ҳужжатлар олинмаган бўлса:

- норезидентнинг даромадидан солиқни ушлаб қолинг;
- уни даромадни тўлаш санасидаги МБ томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада даромад тўланган кундан кейинги кундан кечиктирмай тўланг;
- солиқ ҳисоботини даромадлар тўланган ойдан кейинги ойнинг 20 кунидан кечиктирмай тақдим этинг (СК 354-м., 355-м. 1-қ.).

**!** Агар сиз норезидентнинг даромадидан солиқ ушлаб қолмаган бўлсангиз ёки халқаро шартнома қоидаларини нотўғри қўллаган бўлсангиз, солиқни, шунингдек пенянинг тегишли суммасини бюджетга киритишингиз шарт. Солиқ ўз маблағлари ҳисобидан тўланган тақдирда, солиқ агентининг солиқни ушлаб қолиши ва ўтказиш бўйича мажбурияти бажарилган деб эътироф этилади (СК 354-м. 11, 12-м.).

**МИСОЛ.** Норезидентга роялти тарзида даромад тўланганда фойда солигини тўлаш

Ўзбекистон корхонаси 2020 йил 2 декабрда Россия компаниясига ҚҚС-сиз 1 500 АҚШ доллари миқдоридан роялти тўлайди. Контакт шартларига асосан солиқ агенти ҚҚСни мустақил равишда тўлайди. Компания резидентлик сертификатини тақдим этмади. Тўлов санасида МБ курси – 1 АҚШ доллари учун 10 427,38 сўм. Корхона 300 АҚШ долларини (1 500 x 20%) ушлаб қолади ва норезидентга 1 200 АҚШ долларини (1 500 – 300) ўтказилади. Корхона 3 128 214 сўм (300 x 10 427,38) миқдоридан солиқни 2020 йил 3 декабрдан кечиктирмай тўлаши, ҳисоботни эса (3-илова, АВ рақами 3221, 24.02.2020 й.) – 2021 йил 20 январдан кечиктирмай тақдим этиши керак.

Олег ЦОЙ, «Norma» МЧЖ эксперти.

**?** Корхона (МЧЖ, ЎзР резиденти) экспорт шартномаси бўйича РФ резидентига хизматлар кўрсатади. Айнан Россия Федерацияси ҳудудида РФ фуқароларига кабель телевидениесига уланиш юзасидан таклифлар бериб, call-марказ хизматларини кўрсатади.


1. Россия Федерацияси ҳудудида РФ резидентига call-марказ хизматларини кўрсатиш бўйича айланмага қайси ставка бўйича ҚҚС солинади?
2. ЭХФ тақдим этиш лозими?

## ХИЗМАТЛАР КўРСАТИШДА ҚҚС

**1** Корхонангизнинг хизматлари харидори РФда фаолиятни амалга оширади. ҚҚС солиш мақсадларида Ўзбекистон хизматларни реализация қилиш жойи ҳисобланмайди (СК 241-м. 1-қ.). Бинобарин, ушбу хизматларга ҚҚС солинмайди.

**2** Хизматларни реализация қилишда юридик шахслар ушбу хизматларни сотиб олувчиларга ҳисобварақ-фактурани тақдим этиши шарт (СК 47-м. 1-қ.).

Хизматлар экспорти амалга оширилганда ЭХФ мустақил равишда (бир томонлама) расмийлаштиради. Бунда харидорнинг номи кўрсатилади ва «норезидент» сўзи қўшимча равишда ёзиб қўйилади (Низомнинг



60-б., ВМнинг 14.08.2020 йилдаги 489-сон қарорига 2-илова).

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

**ЖАВОБ БЕРАМИЗ**

## ЧАРТЕР РЕЙСДАН ДАРОМАД

**?** Воситачи корхона (Ўзбекистон) ва комитент корхона (хорижий компания) ЎзР ҳудудида чартер рейсларга авиачипталарни реализация қилишга шартнома тузди. Воситачи корхона турли авиакорхоналарнинг авиачипталарини сотиш билан шугулланади. Ўз навбатида, комитент йўловчиларни таъинловчи хорижий компаниялар билан Тошкент-Истанбул йўналиши бўйича йўловчи ташиш чартер рейсини амалга ошириш юзасидан шартнома тузди. Комитент кўрсатилган хизматлар учун воситачига 10% ҳақ тўлайди. Комитент чипталар сотилган авиарейсини амалга ошириш учун Тошкент шаҳрида аэропорт хизматлари учун 20 000 АҚШ доллари миқдоридан (тахминан курс бўйича 200 млн сўм) ҳақ тўлайди. Комитент тегишли хўражатларни комитент учун ҳисобот тайёрлайдиган воситачига тақдим этади. Масалан, ҳисоботда куйидагилар кўрсатилади: авиачипталарни реализация қилишдан тушум – 450 млн сўм, воситачилик ҳақи – 45 млн сўм. Норезидентнинг даромадларидан олинадиган солиқ воситачилик ҳақини ва харажатларни чегирган ҳолда тушумдан ҳисобланади:  $(450 - 45 - 200) \times 6\% = 12,3$  млн сўм. Комитентга тўланадиган сумма – 392,7 млн сўм  $(450 - 45 - 12,3)$ .

1. Халқаро ташишлардан олинган даромадларга 6%лик ставка тўғри қўлланилганми?
2. ЎзР норезидентининг харажатлари солиқ базасидан чегириб ташланиши тўғри бўладими?

– Аввало шуни айтиш керакки, мазкур ҳолатда комитентга доимий муассаса мавжуд бўлмайди, сабаби воситачи мустақил агент ҳисобланади (СК 36-м. 10-қ.).

**1** Норезидентнинг даромадларига солиқ ставкаси тўғри қўлланилган. Йўловчиларни ҳаво транспортида халқаро ташишларга солиқ солинадиган даромадга нисбатан 6%лик ставкада солиқ солинади (СК 353-м. 3-б.).

**2** Солиқ солинадиган база нотўғри ҳисобланган. СКнинг 351-моддасида норезидентнинг даромадлари рўйхати келтирилган. Унда нафақат даромад тури, балки солиқ солиш мақсадларида

унинг ўзига хос жиҳатлари ҳам кўрсатилади. Халқаро ташиш хизматларини кўрсатишдан олинган даромадлар бўйича тушум суммасига солиқ солинади, бунда комитентнинг ЎзР ҳудудидаги харажатлари чегириб ташланиши айтилмаган (СК 351-м. 2-қ. 9-б.).

Шу тариқа, норезидентнинг даромадларидан олинадиган солиқ суммаси 27 млн сўмга  $(450 \times 6\%)$  тенг. Комитентга тўланадиган сумма 378 млн сўмни  $(450 - 45 - 27)$  ташкил этади. Солиқ агенти – воситачи ушбу солиқни ҳисоблаши, бюджетга ўтказиши ва солиқ органларига ҳисобот топшириши шарт (СК 352-м. 1-б., 354, 355-м.).

Ольга БУСАРОВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

# ҲИСОБГА ОЛИНМАЙДИГАН ДАРОМАДЛАР

СКнинг 304-моддасида солиқ солишда ҳисобга олинмайдиган даромадлар келтирилган. Уларни Айланмадан олинмайдиган солиқ ҳисоб-китобида (9-илова, АВ рақами 3221, 24.02.2020 й.) қандай акс эттиришни «Nogma» компанияси эксперти Дилором САИДОВА тушунтириб берди:

– Хусусан, бундай даромадларга қуйидагилар киритилади:

- устав фондига (устав капиталига) қўшилган ҳисса тарзида олинган маблағлар;

- реализация қилинадиган товарлар (хизматлар) учун олдиндан тўлов (бўнак) тарзида бошқа шахслардан олинган маблағлар;

- конун ҳужжатларига мувофиқ ушбу мажбуриятларнинг таъминоти сифатида гаров ёки закат тарзида олинган маблағлар, уларга бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтган пайтга қадар;

- суғурта шартномалари бўйича

суғурта товони (суғурта суммаси) тарзида олинган маблағлар;

- кредит ёки қарз шартномалари бўйича маблағлар ёки бошқа мол-мулк, пунингдек бундай жалб қилинган маблағларни тўлаш ҳисобидан маблағлар ёки бошқа мол-мулк ва ҳ.к.

Айланмадан олинмайдиган солиқ бўйича ҳисобот шаклларида Ҳисоб-китобга 6-«Солиқ солиш объекти сифатида қаралмайдиган даромадлар» иловаси назарда тутилган. Унда даромадлар СКнинг 304-моддасига мувофиқ акс эттирилади. Иловани қандай тўлдиришни амалиётда кўп учрайдиган мисолларда кўриб чиқамиз.

## 1. Муассис устав фондига қўшимча ҳисса киритди

Бундай тушумлар 6-илованинг 020-«Устав фондига (устав капиталига) қўшилган ҳисса тарзида олинган маблағлар» сатрида кўрсатилиши лозим.

### 1-ВАЗИЯТ.

Жамиятнинг ягона муассиси УФни қўшимча ҳисса ҳисобига оширишига қарор қилди ва ҳисобрақамга 50 млн сўм киритди.

Устав фондига (устав капиталига) қўшилган ҳисса тарзида олинган маблағлар	020	50 000 000
---	-----	------------

Корхона ҳисобот даврида юклар жўнатишга товарлар учун маблағлардан ташқари келгусида етказиб беришлар ҳисобига бўнак тўловларини ҳам олди.

Харидорлардан олинган бўнаклар 030-«Реализация қилинадиган товарлар (хизматлар) учун олдиндан тўлов (бўнак) тарзида бошқа шахслардан олинган маблағлар» сатрида кўрсатилиши лозим. Бухгалтерия ҳисоби маълумотларига кўра ушбу сатр ҳисобот даври охирида олинган бўнакларни ҳисобга олувчи сўмнинг (6300) кредит сальдосини ифода қилади:

Яқуний сальдо	=	Бошланғич сальдо	+	Келиб тушган бўнаклар суммаси	-	Ҳисобга олинган ёки қайтарилган бўнаклар суммаси
---------------	---	------------------	---	-------------------------------	---	--

### 2-ВАЗИЯТ.


Корхонада ҳисобот даври бошида харидорлардан бўнаклар бўйича қарздорлик мавжуд бўлмаган. Ҳисобот даврида корхонанинг ҳисобрақамига товар учун бўнак кўринишида 485 млн сўм миқдорда пул маблағлари келиб тушган. Ҳисобот даврида товар юклар жўнатиш 420 млн сўмни ташкил қилган. Ҳисобот даври бошида харидорлардан олдиндан тўлов ҳисобда мавжуд эмас. Ҳисобот даври охирида 6310-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» сўмнинг кредит сальдоси 65 млн сўмни (485 – 420) ташкил қилган.

Реализация қилинадиган товарлар (хизматлар) учун олдиндан тўлов (бўнак) тарзида бошқа шахслардан олинган маблағлар	030	65 000 000
--	-----	------------

### 3-ВАЗИЯТ.

Ҳисобот даври бошида корхонада харидорлардан бўнак ҳисобга олинган. Ҳисобот даври учун корхона ҳисобрақамига 485 млн сўм миқдорда товар учун бўнак кўринишидаги пул маблағлари келиб тушган. Ҳисобот даври учун товар юклар жўнатиш 500 млн сўмни ташкил қилган. Давр бошида 6310-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» сўмнинг дебит сальдоси 65 млн сўм сальдо ҳисобга олинган. Ҳисобот даври охиридаги сальдо 50 млн сўмга (65 + 485 – 500) тенг.

Реализация қилинадиган товарлар (хизматлар) учун олдиндан тўлов (бўнак) тарзида бошқа шахслардан олинган маблағлар	030	50 000 000
--	-----	------------



## 2. Лизинг компанияси лизинг тўловини олди, унга лизинг объекти қийматини қоплаш ва фойзли даромад киритилган

Амалиётда лизингга олувчилар лизинг объекти қийматини қоплаш суммасини ва фойзли даромадларни бир тўлов орқали ўтказдилар. Лизингга берувчи учун лизинг объекти қийматини қоплаш суммаси даромад ҳисобланмайди (СК 304-м. 12-б.). Шу боис лизинг тўлови суммасидан лизинг объекти қийматини

қоплаш суммасини ажратиб олиш ва уни Айланмадан олинмайдиган солиқ ҳисоб-китобига 6-илованинг 080-«Молиявий ижара (лизинг) объектининг қиймати ўрнини ижарага берувчи (лизинг берувчи) томонидан олинган ижара (лизинг) тўловининг қисми тарзида қоплаш» сатрида кўрсатиш лозим.

### ВАЗИЯТ.

Лизинг компанияси саноат корхонасига қиймати 600 млн сўм бўлган ускунани лизингга берди.

Лизинг шартномаси йиллик 10% тўлов билан 5 йилга тузилган. Лизинг тўловлари ҳар ойда тенг улушларда тўланади.

Лизинг олувчи лизингга берувчига ҳар ойда 11 млн сўм тўлайди, шундан:

- 10 млн сўм – қоплаш суммаси;
- 1 млн сўм – фойзли даромад.

Лизинг объектини қоплаш корхона даромади ҳисобланмайди, шу боис унинг чораклик суммаси (10 млн сўм х 3 ой) Айланмадан олинмайдиган солиқ ҳисоб-китобига 6-илованинг 080-сатрида кўрсатилиши лозим:

Молиявий ижара (лизинг) объектининг қиймати ўрнини ижарага берувчи (лизинг берувчи) томонидан олинган ижара (лизинг) тўловининг қисми тарзида қоплаш	080	30 000 000
--	-----	------------

## 3. Корхона қарз олди ёки аввал берган қарзи қайтарилди

Қарз шартномаси бўйича келиб тушган маблағлар суммаси Айланмадан олинмайдиган солиқ ҳисоб-китобига 6-илованинг 100-сатрида кўрсатилиши лозим.



Фақат қайтариш шarti билан олинмайдиган маблағлар олувчининг даромади ҳисобланмайди. Сиз қайтарилмайдиган молиявий ёрдам олган бўлсангиз уни жами даромадга киритишингиз лозим (СК 297-м. 3-қ, 10-б., 304-м. 16-б.).

### ВАЗИЯТ.

Корхона ишлаб чиқариш линиясини кенгайтиришга қарор қилди ва бунинг учун йиллик 10% тўлов билан 200 млн сўм миқдорда қарз маблағларини жалб қилди. Қарз маблағлари даромад ҳисобланмаганлиги сабабли улар Айланмадан олинмайдиган солиқ ҳисоб-китобига 6-илованинг 100-сатрида кўрсатилиши лозим.

Кредит ёки қарз шартномалари бўйича маблағлар ёки бошқа мол-мулк (маблағ жалб қилини расмийлаштириш усулидан қатъи назар, бошқа шундай маблағлар ёки бошқа мол-мулк, шу жумладан қарз қимматли қозғалар), шунингдек бундай жалб қилинган маблағларни тўлаш ҳисобидан маблағлар ёки бошқа мол-мулк	100	200 000 000
---	-----	-------------



Қарз берувчига фойзли даромад тўлаш мажбуриятсиз қарз (қайтариш шarti билан молиявий ёрдам) олиш чоғида қарз олувчининг даромади қарз (қайтариш шarti билан молиявий ёрдам) олиш санасида Марказий банк томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда аниқланади (СК 299-м. 4-қ.).

# ЖШДС ВА ИЖТИМОЙ СОЛИҚ ҲИСОБ-КИТОБИ ШАКЛИ ЯНГИЛАНДИ

Солиқ тўловчилар ноябрь ойи учун ЖШДС ва ижтимоий солиқ ҳисоб-китобини (4-илова, АВ рақами 3221, 24.02.2020 й.) олдинги ой учун Ҳисоб-китобдан нусха кўчириш йўли билан топширишда қуйдагича хатога дуч келишлари мумкин: «Хатолик коди 210: Ушбу ҳисоб шакли бекор қилинган. (Ҳисобот шаклининг кейинги версияларини танланг)». Бунга сабаб Ҳисоб-китоб шаклининг янгиланганлиги (код 11101\_10).

Янгиланган шакл қандай тўлдирилиши ҳақида аниқ мисолда «Norma» эксперти Дилором САИДОВА тушунтиради:

– Бухгалтерларга 020-«Ижтимоий солиқ ҳисобланмайдиган тўлов турлари (Ҳисоб-китобга 1-илованинг 010-сатри) сатрнинг 6-«Ижтимоий солиқ – бошқа ставкалар бўйича» устунини тўлдиришнинг техник имконияти берилди. Илгари мазкур каттак тўлдирилмаган.

Шаклга ўзгартириш киритилгунга қадар, имтиёзлар мавжуд бўлганда ижтимоий солиқнинг бошқа ставкаларини қўллайдиган корхоналар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромад суммасини 6-«Ижтимоий солиқ – бошқа ставкалар бўйича» устунда

кўрсата олишмаган. Даромаднинг имтиёзли суммаси асосий ставка бўйича солиқ солинадиган даромаддан чегириб ташланган. Бу ҳисоботнинг бузиб кўрсатилишига олиб келган.

## Янги шакл қандай тўлдирилади?

Фараз қилайлик, кичик корхона 2020 йилнинг октябрь ойида Технопаркнинг резидентига айланди ва 2020 йил 1 ноябрдан бошлаб ижтимоий солиқни тўлашдан озод этилган.



**Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резидентлари 2028 йил 1 январга қадар ижтимоий солиқдан озод этилган. Мазкур имтиёз юридик шахс Резидентларнинг ягона реестрига киритилган ойдан кейинги ойнинг 1-кунидан қўлланилади (30.06.2017 йилдаги ПФ-5099-сон Фармоннинг 5-б.; 10.01.2019 йилдаги 17-сон ВМҚнинг 5-б.; Низомнинг 26-б., 15.07.2019 йилдаги 589-сон ВМҚ билан тасдиқланган).**

Корхона 2020 йилда қуйдаги миқдорларда меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадни ҳисоблади:

(млн сўмда)

Ойлар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь
Сумма	38,7	39,3	30,4	15,6	17,4	20,5
Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Жами	
24,3	28,1	30,1	30,3	34,3	309	

Ҳисоб-китобларни соддалаштириш учун, келинг, корхона чет эллик жисмоний шахслар меҳнати жалб қилмаган ва меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлмаган даромад тўламаган, деб ҳисоблайлик.

2020 йил ноябрь ойи учун ЖШДС ва ижтимоий солиқ ҳисоб-китобини тўлдираемиз:

1. Кичик корхоналар жорий йилда ижтимоий солиқнинг иккита ставкасини қўллашди, шу боис даромадни қўлланилаётган ставкаларга мувофиқ ажратиш ва уни Ҳисоб-китобнинг 011-сатри 5 ва 6-устунларида кўрсатиш зарур: январь-апрель учун – 124 млн сўм; май-ноябрь учун – 185 млн сўм.

## Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ҲИСОБ-КИТОБИ

(йил бошидан ўсиб борувчи тартиб билан тўлдирилади)

(сўмда)

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ҳисобланган даромад суммаси	Ижтимоий солиқ		
			Жами	Умумбелгиланган ставка бўйича	Бошқа ставкалар бўйича
1	2	3	4	5	6
Ҳисобланган даромадларнинг умумий суммаси (011-сатр + 0111-сатр + 012-сатр + 013-сатр)	010	309 000 000,00	x	x	x
шундан:					
Меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган даромадлар (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 371-моддаси) (Ҳисоб-китобга 5-илованинг 6-устуни)	011	309 000 000,00	309 000 000,00	124 000 000,00	185 000 000,00

2. 2020 йил ноябрдан бошлаб корхона ижтимоий солиқ тўлашдан озод этилган. Шу боис Ҳисоб-китобга 1-илова «Ижтимоий солиқ ҳисобланмайдиган тўлов турлари»нинг 0301-сатрида

имтиёзни қўллаш учун асосни (мазкур мисолда бу 30.06.2017 йилдаги ПФ-5099-сон Фармон) ва ноябрь ойи учун меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромад суммасини кўрсатиш зарур:

Ҳисоб-китобга 1-ИЛОВА

## Ижтимоий солиқ ҳисобланмайдиган ТЎЛОВ ТУРЛАРИ

Тўлов турлари	Сатр коди	Сумма
Ижтимоий солиқ ҳисобланмайдиган тўлов турлари, жами (020-сатр + 030-сатр)	010	34 300 000,00
Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ ижтимоий солиқ ҳисобланмайдиган тўлов турлари - жами (0201 - 02...-сатрлар йиғиндиси)	020	0,00
Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ижтимоий солиқ ҳисобланмайдиган тўлов турлари (0301 - 03...-сатрлар йиғиндиси)	030	34 300 000,00
шу жумладан:	x	x
6489 – 30.06.2017 йилдаги ПФ-5099-сон Фармоннинг 5-банди 2-хатбошиси: Инновация маркази резидентлари 2028 йил 1 январга бўлган муддатга барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни, шунингдек ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод этилсин.	0301	34 300 000,00

3. Ҳисоб-китобга 1-илованинг 010-сатридан маълумотлар автоматик тарзда Ҳисоб-китобнинг 020-сатри 4 ва 5-устунларида акс эттирилади. Имтиёзни қўллашга қадар кичик

корхона ижтимоий солиқни 1% ставка бўйича тўлаганлиги боис, имтиёзли суммани 6-«Ижтимоий солиқ бошқа ставкалар бўйича» устунда кўрсатиш зарур.

## Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ҲИСОБ-КИТОБИ

(йил бошидан ўсиб борувчи яқун билан тўлдирилади)

(сўмда)

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ҳисобланган даромад суммаси	Ижтимоий солиқ		
			Жами	Умумбелгиланган ставка бўйича	Бошқа ставкалар бўйича
1	2	3	4	5	6
Ҳисобланган даромадларнинг умумий суммаси (011-сатр + 0111-сатр + 012-сатр + 013-сатр)	010	309 000 000	x	x	x
шундан:					
Меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган даромадлар (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 371-моддаси) (Ҳисоб-китобга 5-илованинг 6-устуни)	011	309 000 000	309 000 000	124 000 000	185 000 000
Ижтимоий солиқ ҳисобланмайдиган тўлов турлари (Ҳисоб-китобга 1-илованинг 010-сатри)	020	x	34 300 000	0	34 300 000
Жисмоний шахсларнинг солиқ солишдан озод этилган даромадлари (Ҳисоб-китобга 2-илованинг 010-сатри)	030	x	x	x	x
Солиқ базаси	040	x	274 700 000	124 000 000	150 700 000
Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи, ижтимоий солиқ ва ШЖБПҲга бадаллар ставкаси, %	050	x	x	12	1
Ҳисобланган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи, ижтимоий солиқ ва ШЖБПҲга бадаллар суммаси (040-сатр x 050-сатр)	060	x	16 387 000	14 880 000	1 507 000

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## • ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

«Мулкдорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (Кўчирмада)

## • ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНING ҚАРОРЛАРИ:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташқи савдо юкларини боғжона назорати остида ташишни соддалаштириш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»;

«Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида».

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

### МУЛҚДОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА\*

(Кўчирмада)\*\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 5 октябрда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2020 йил 20 ноябрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги 913-XII-сонли Қонуни **10-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Вилоят, туман, шаҳар ҳокими қонунда назарда тутилган ҳолларда қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, деҳқон хўжаликлари ва фуқароларга эгалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага ер беришга, ушбу субъектларнинг ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга бўлган ҳуқуқини бекор қилишга ҳақли».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 598-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **4-модданинг саккизинчи хатбошисидаги** «ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **5-модданинг:**

**олтинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи хатбошлари** тегинича олтинчи, еттинчи ва саккизинчи хатбошлар деб ҳисоблансин;

**еттинчи хатбошисидаги** «ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **6-модданинг:**

**тўртинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Фуқароларга, юридик шахсларга эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш»;

**ўн биринчи хатбошисидаги** «ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **7-модданинг:**

**тўртинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш»; тўққизинчи хатбошисидаги «ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **36-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёҳуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 3 ва 5-бандларида кўрсатилган ҳолларда тугатиш ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг тақдимномасига кўра, ҳуқуқлар тугатилишининг асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тегинича туманлар, шаҳарлар, вилоятлар ҳокимларининг қарорлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади. Ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёҳуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёҳуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини ушбу модда биринчи қисмининг 12-бандида кўрсатилган ҳолда тугатиш тегинчи туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларининг тақдифига кўра, ҳуқуқлар тугатилишининг асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида туманлар ҳокимларининг қарорлари билан амалга оширилади. Юридик ва жисмоний шахслар ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқини, ер участкаларидан доимий ёки вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда кўрсатилган мансабдор шахсларнинг қарорларидан норози бўлган тақдирда, ушбу қарорлар устидан судга шикоят қилиши мумкин»;

\*Ушбу Қонун Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эъён қилинган ва 24.12.2020 йилдан кучга кирди.

\*\*Қонун «СБХ»да кўчирмада чоп этилмоқда. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида танишиш мумкин.

6) **37-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«**Ер участкасини ёки унинг бир қисмини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун** ер эгасининг розилиги билан ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишилган ҳолда тегишинча халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан олиб қўйилади.

Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш фақат қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

мудофаа ва давлат хавфсизлиги, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эҳтиёжлари, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун ерлар бериш;

Ўзбекистон Республикасининг халқро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш;

фойдали қазилмалар конларини аниқлаш ва қазиб олиш;

автомобиль ва темир йўллари, аэропортларни, аэродромларни, аэронавигация объектларини ва авиатехника марказларини, темир йўл транспорти объектларини, кўприклар, метрополитенлар, туннелларни, энергетика тизими объектларини ва электр узатиш тармоқларини, алоқа тармоқларини, космик фаолият объектларини, магистраль қувурларни, муҳандислик-коммуникация тармоқларини қўриш (реконструкция қилиш);

аҳоли пунктлари бош режаларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан объектларни қўришга оид қисмини ижро этиш мақсадида, шунингдек қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тўғрисида қарорлар қабул қилишга фақат олиб қўйилиш режалаштирилётган ер участкаларида жойлашган кўчмас мулк мулкдорлари билан очик муҳокама ўтказилганидан, фойда ва харажатлар баҳоланганидан, шунингдек тегишинча Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма билан мажбурий равишда келишилганидан кейин йўл қўйилади.

Ер участкаларини олиб қўйишда жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларининг бузилишига турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган иморатлар, ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари ҳамда бошқа бино ва иншоотлар амалда тўлиқ бўшатиб қўйилганидан, олиб қўйилётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларининг бозор қиймати, кўчириш, юридик, жисмоний шахсларни янги жойлашган ери ёки яшаш жойига, шу жумладан вақтинчалик олинган кўчмас мулк объектига кўчириш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг зарарлари, шу жумладан бой берилган фойда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа харажатларнинг ўрни тўлиқ қопланганидан сўнг рўхсат берилади.

Давлат органининг (мансабдор шахсининг) ер участкаси олиб қўйилиши билан боғлиқ қонунга хилоф маъмурий ҳужжати қабул қилиниши натижасида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларнинг ўрни қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан қопланади.

Ер эгаси, ердан фойдаланувчи ва ижарачи ер участкасини олиб қўйиш ҳақидаги тегишинча халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорига ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига рози бўлмаган тақдирда, бу қарор устидан белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

Корхоналар, бинолар ва иншоотлар қўриш учун ер участкаларини олиб қўйишда манфаатдор бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар лойиҳалаш бошлангунга қадар ҳудудни комплекс ривожлантиришни таъминлашни инобатга олган ҳолда объект қуриладиган жойни, участканинг тахминий ўлчами ва уни ажратиш шартларини ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар, шунингдек тегишинча вилоят ёки туман (шаҳар) ҳокими ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан олдиндан келишиб олиши шарт. Бундай тарзда олдиндан келишиб олинмагунга қадар лойиҳа ишларини молиялаштиришга йўл қўйилмайди.

Ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ҳамда объект қуриладиган жойни олдиндан келишиб олиш, шунингдек ер ажратиб беришни расмийлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан чет эл юридик ва жисмоний шахсларининг мулки бўлган ер участкасини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объекти ёхуд турар жой ҳамда бошқа бино ёки бинонинг бир қисми билан бирга давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун қайта сотиб олиш ушбу Кодекснинг 41-моддасида назарда тутилган кафолатлар таъминланган ҳолда халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан амалга оширилади»;

7) **38-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ушбу Кодекс 36-моддаси биринчи қисмининг 6–11-бандларида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган бошқа ҳолларда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи орган ер эгасини ёки ердан фойдаланувчини олдиндан оголантириганидан кейин ер участкасини берган органга ер участкасини олиб қўйиш ҳақида тақдимнома киритади. Ер участкасини берган орган тақдимнома асосида бир ойлик мuddатда уни олиб қўйиш ҳақида судга даъво аризаси киритади. Ер участкасини берган орган, зарур ҳолларда, ер участкасининг ҳолатини ҳамда ер эгаси ёки ердан фойдаланувчи томонидан ерлардан оқилнога фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ўзасидан амалга оширилатган чора-тадбирларнинг сифатини қўшимча равишда текширишни тайинлашга ҳақли»;

8) **86-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Зарарларнинг ўрнини қоплаш олиб қўйилётган ер участкалари ўзига ажратиб берилаётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан, шунингдек фаолияти ер эгаларини, ердан фойдаланувчиларнинг, ер участкаларини ижарачилари ҳамда мулкдорларининг ҳуқуқлари чекланишига ёки яқин атрофдаги ерларнинг сифати ёмонлашувига олиб борган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан тегишинча Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма маблағлари, шунингдек қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 сентябрда қабул қилинган «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги ўРҚ-336-сонли Қонунига қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **19-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат органининг мулкдорнинг мол-мулкни бевосита олиб қўйишга қаратилмаган қарори, шу жумладан мулкдорга



қарашли уй, бошқа иморатлар, иншоотлар ёки дов-дарахтлар жойлашган ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори муносабати билан мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига фақатгина қонунларда белгиланган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилиб, бунда мулкдорга олиб қўйилган мол-мулкка тенг мол-мулк мулк ҳуқуқи асосида берилади ва у қўрган бошқа зарарларнинг ўрни қопланади ёки мулк ҳуқуқи бекор қилиниши тўғрисидаги қарорнинг ўрни тўла ҳажмда қопланади.

Давлат органининг мулкдорнинг мол-мулкни бевосита олиб қўйишга қаратилмаган қарори, шу жумладан, ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори муносабати билан мулк ҳуқуқининг бекор қилиниши мулкдорнинг розилиги билан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимларининг олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини бузиб ташлаш тўғрисидаги қарори фақат адлия органларининг ижобий хулосаси мавжуд бўлганда қабул қилинади. Ер участкасини олиб қўйиш ташаббускори ҳамда олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектнинг мулкдори ўртасида тузиладиган, ер участкасини олиб қўйиш муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларнинг зарарлари, шу жумладан бой берилган фойдаси ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа харажатларни қоплаб бериш тўғрисидаги келишув мажбурий равишда нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Кўчмас мулк объектини бузиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилишга олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектнинг мулкдорига келишувда, низо мавжуд бўлган тақдирда эса суд қарорида белгиланган жисмоний ва юридик шахсларнинг зарарлари, шу жумладан бой берилган фойдаси ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа харажатлари қопланганидан сўнғ йўл қўйилади.

Ер участкасини олиб қўйиш ва уйни, бошқа иморатларни, иншоотларни бузиб ташлаш ёки дов-дарахтларни қўпориб ташлаш тўғрисидаги қарор аҳоли пунктларининг бош режаларига, шунингдек турар жой даҳалари ҳамда кичик даҳаларини батафсил режалаштириш ва қуриш лойиҳаларига мувофиқ қабул қилинади.

Олиб қўйилаётган ер участкасидаги уйни, бошқа иморатларни, иншоотларни бузиб ташлаш ёки дов-дарахтларни қўпориб ташлашга зарарнинг ўрни бозор қиймати бўйича олдиндан ва тўла қопланмагунга қадар йўл қўйилмайдиган.

Давлат органлари уйнинг, бошқа иморатларнинг, иншоотларнинг ёки дов-дарахтларнинг мулкдорини қабул қилинган қарор тўғрисида бузиб ташлаш бошланишидан камида олти ой олдин, билдиришномага тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари қарорининг кўчирма нусхасини илова қилган ҳолда ёзма равишда (имзо қўйдириб) хабардор қилиши шарт.

Олиб қўйилаётган ер участкаларидаги уйни, бошқа иморатларни, иншоотларни ёки дов-дарахтларни баҳолаш баҳоловчи ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда хусусий мулк ҳуқуқи бекор қилинаётганда олиб қўйилаётган мол-мулкнинг қиймати ана шу мол-мулк бевосита олиб қўйилишидан олдинги пайтдаги ёки олиб қўйилиши ҳақидаги хабар мол-мулкнинг қийматига

таъсир кўрсатган пайтдаги ҳолатга кўра баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланади.

Ер участкаси олиб қўйилиши муносабати билан мулкдорга бузиб ташланаётган мол-мулкнинг ўрнини қоплаш, бузиб ташланаётган уйнинг мулкдорига турар жой бериш, бузиб ташланаётган уй ўрнига яқна тартибда уй-жой қуриши учун фуқарога ер участкаси бериш, ер участкаси ва бошқа мол-мулк олиб қўйилиши муносабати билан мулкдорга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Мулкдор хусусий мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига олиб келадиган қарорга рози бўлмаган тақдирда, бу қарор суд томонидан низо ҳал этилгунга қадар амалга оширилиши мумкин эмас. Мулкдорга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш масалалари ҳам низоли кўриб чиқишда ҳал этилади»;

2) 24-модда қўйидаги тахрирда баён этилсин:

**«24-модда. Мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижаларининг қайта кўриб чиқи-лишига ҳамда бекор қилинишига йўл қўйилмаслиги**

Давлат мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш жараёнида вужудга келган хусусий мулк дахлсиздир. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижалари қайта кўриб чиқилмайдиган ҳамда бекор қилинмайди.

Қўйидаги кўчар ва кўчмас мол-мулк давлат тасарруфидан чиқарилган ҳамда хусусийлаштирилган корхоналарнинг мол-мулки деб эътироф этилади (қонунга мувофиқ давлат тасарруфидан чиқарилмайдиган ва хусусийлаштирилмайдиган объектлар бундан мустасно):

давлат тасарруфидан чиқариши ва хусусийлаштирилган корхоналарда давлат мол-мулкни хусусийлаштиришни амалга ошириш пайтида аниқланмаган кўчар ва кўчмас мол-мулк;

корхона ҳудудида жойлашган, давлат тасарруфидан чиқариши ва хусусийлаштиришни амалга ошириш пайтида тасарруф этиш ҳуқуқисиз фойдаланишга берилган кўчар ва кўчмас мол-мулк.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижаларини, шу жумладан объектларнинг қийматини баҳолаш натижаларини қайта кўриб чиқиш, ҳақиқий эмас деб топил ва бекор қилиш масалалари юзасидан давлат органлари, шу жумладан назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар томонидан ташаббус билан чиқиш таққилланади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда ҳоҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирили-ши таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириди.

*Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ.*

*Тошкент ш.,  
2020 йил 23 декабрь  
ЎРҚ-656-сон.*

Ўзбекистон Республикаси  
қонунчилиги

www.norma.uz

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА ТАШҚИ САВДО ЮКЛАРИНИ БОЖХОНА НАЗОРАТИ ОСТИДА ТАШИШНИ СОДДАЛАШТИРИШ, ШУНИНГДЕК, ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ ЯНАДА Қўллаб-қувватлаш тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2020 йил 5 июндаги ПФ–6005-сон Фармониغا мувофиқ, шунингдек, мамлакатимизнинг транспорт логистика салоҳиятини кенгайтириш, транзит жозибадорлигини ошириш ҳамда ташқи савдо юкларини божхона назорати остидаги ташишни соддалаштириш, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

### 1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўлларида ташиладиган ва божхона ҳамроҳлигида кузатиб бориладиган божхона назорати остидаги транспорт воситалари ва товарларни, божхона ҳамроҳлигидаги кузатуви ташкил этиш, божхона ҳамроҳлигидаги кузатувлар учун божхона йиғимларини ундириш тартибини, шунингдек, божхона ҳамроҳлигидаги кузатуви амалга оширувчи ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи **Божхона назорати остида автомобиль йўлларида ташилаётган товарларнинг божхона ҳамроҳлигидаги кузатуви ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низом 1-иловага** мувофиқ;

чет эл товарларини ташиш жараёнида божхона тўловлари тўланишини таъминлашни ваколатли шахслар билан реал вақт режимида ва интерактив шаклда ўзаро ҳамкорлик асосида ҳисобга олиш ва назорат қилиш, шунингдек, божхона органи рўхсатсиз товарлар бериб юборилганда, йўқотилганда ёки манзил божхона постига белгиланган муддатда ҳамда ўзгар-

мас ҳолатда етказилмаганда, божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундириш тартибини назарда тутувчи **Чет эл товарларини ташиш жараёнида божхона тўловлари тўланишини таъминлашни ваколатли шахслар билан реал вақт режимида ва интерактив шаклда ўзаро ҳамкорлик асосида ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги Низом 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, божхона ҳамроҳлигида кузатиб бориладиган товарлар ва транспорт воситаларининг божхона расмийлаштируви жўнатувчи ҳамда манзил божхона постларида, шунингдек, қабул қилиш-топшириш пунктларида устувор тартибда амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага\*\* мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг **Бош вазири**  
**А.АРИПОВ.**

Тошкент ш.,  
2020 йил 22 декабрь  
800-сон.

ЎзР ВМнинг 2020 йил 22 декабрдаги 800-сон қарорига  
1-ИЛОВА

## БОЖХОНА НАЗОРАТИ ОСТИДА АВТОМОБИЛЬ ЙўЛЛАРИДА ТАШИЛАЁТГАН ТОВАРЛАРИНИНГ БОЖХОНА ҲАМРОҲЛИГИДАГИ КУЗАТУВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ Тўғрисида НИЗОМ

### 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўлларида ташиладиган божхона назорати остидаги транспорт воситалари ва товарларни божхона ҳамроҳлигида кузатиб бориш тартибини белгилайди.

Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўланилади:  
**Божхона ҳамроҳлигида кузатиб бориш** – автотранспорт воситаларининг божхона органлари томонидан хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида божхона назорати остида махсус жиҳозланган автомобиль ёрдамида кузатиб борилиши;

**жўнатувчи божхона пости** – товарларнинг барча туркуми ёки унинг бир қисми учун божхона ҳамроҳлигидаги кузатув бошланадиган божхона пости;

**қабул қилиш-топшириш пункти** – божхона ҳамроҳлигида кузатиб борилаётган товарлар, транспорт воситалари ва уларга тегишли ҳужжатларни қабул қилиш-топшириш амалга ошириладиган жой;

**манзилдаги божхона пости** – товарларнинг барча туркуми ёки унинг бир қисми учун божхона ҳамроҳлигидаги кузатув тугайдиган божхона пости;

**ташувчи** – божхона назорати остида турган чет эл товарлари ташилишини амалга оширувчи ёки транспорт воситасидан фойдаланиш учун масъул шахс;

**транспорт воситалари** – йўловчиларни ва товарларни ташиш учун фойдаланиладиган барча воситалар, шу жумладан, контейнерлар ва бошқа транспорт жиҳозлари.

Товарлар ва транспорт воситаларини божхона ҳамроҳлигида кузатиб бориш товарлар ва транспорт воситалари божхона назорати остида ташилаётганда Ўзбекистон Республикасининг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

Божхона ҳамроҳлигидаги кузатуви амалга оширувчи ходимлар ушбу Низом талабларига амал қилади ва божхона пости бошлиғига бўйсунди.

Божхона ҳамроҳлигидаги кузатуви амалга ошириш учун

\*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 23.12.2020 йилдан кучга кирди.  
\*\*Қарорга 3-илова «СБХ»да чоғ этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

ходимлар ва махсус жиҳозланган автомобилларни ажратиш, божжона ҳамроҳлигида кузатиладиган товарлар ва транспорт воситаларини қабул қилиш-топириш пунктлари, кузатув ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби ва уларнинг шакллари, шунингдек, божжона ҳамроҳлигида кузатувни амалга оширувчи ҳодимларнинг ўзаро ҳамкорлик тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат божжона кўмитаси (кейинги ўринларда – Давлат божжона кўмитаси) томонидан белгиланади.

Божжона ҳамроҳлигида кузатувни амалга оширишда ташувчи, юк жўнатувчи ёки юк қабул қилувчининг сарфланган харажатлари божжона органлари томонидан қоллаб берилмайди.

Божжона ҳамроҳлигида кузатиб борилаётган божжона назорати остидаги товарлар, транспорт воситалари ва уларнинг ҳужжатларига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг божжона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган божжона назорати шакллари қўлланилиши мумкин.

Жўнатувчи ҳамда манзилдаги божжона постларида, шунингдек, қабул қилиш-топириш пунктларида божжона ҳамроҳлигида кузатиб бориладиган товарлар ва транспорт воситаларининг божжона расмийлаштирувчи устувор тартибда амалга оширилади.

## 2-БОБ. БОЖЖОНА ҲАМРОҲЛИГИДАГИ КУЗАТУВ ОСТИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ТАШИШ

Божжона ҳамроҳлигида кузатиб бориш чет эл товарларини ташийётган автотранспорт воситаларига нисбатан қўлланилади, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

товарлар Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги божжона конвенциясига (Женева, 1975 йил 14 ноябрь) мувофиқ ташилган тақдирда;

миллий автоташувчилар томонидан импорт товарларни божжона назорати остида ташиш учун жиҳозланган транспорт воситаларида, ушбу ташувчилар томонидан лицензия картчаси тақдим этилган ҳолда ташилган тақдирда;

товарлар қонун ҳужжатларига мувофиқ, биринчи ва учинчи турдаги гувоҳнома асосида ваколатли иқтисодий операторлар реестрига киритилган юридик шахслар томонидан амалга оширилганда;

Ўзбекистон Республикаси Божжона кодексининг 47-боби мувофиқ божжона тўловлари тўланиши таъминланган тақдирда;

товарлар божжона ҳудудиغا инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмак сифатида, шунингдек, халқаро почта жўнатмалари ва фельдъегер почтаси сифатида тасдиқловчи ҳужжатлар бўлган тақдирда олиб кирилганда.

Агар хавфни бошқариш тизимида назорат чораси мавжуд бўлса, давлат божжона хизмати органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чет эл товарларини ташийётган автотранспорт воситаларига нисбатан божжона ҳамроҳлигида кузатиб бориш қўлланилади.

Божжона ҳамроҳлигидаги кузатувдан озод этиш учун божжона тўловлари тўланишини таъминлаш чет эл товарлари «эркин муомалага чиқариш» божжона режимида расмийлаштирилганда тўланиши лозим бўлган фойз ва миқдорларда, преференциялар ҳамда имтиёзлар инobatта олинмаган ҳолда ҳисобланган миқдордан кам бўлмаслиги лозим.

Божжона ҳамроҳлигидаги кузатувдан озод этиш учун божжона тўловлари тўланишини таъминлашнинг энг юқори миқдори миллий валютада компенсация тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий курси бўйича, чет эл товарлари ташийаётган битта транспорт воситаси учун эллик минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаслиги лозим, тирик ҳайвонлар ташийаётган транспорт воситаларини божжона ҳамроҳлигидаги

кузатувдан озод этиш учун божжона тўловлари тўланишини таъминлаш бундан мустасно.

Божжона ҳамроҳлигидаги кузатувдан озод этиш учун божжона тўловлари тўланишини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали Давлат божжона кўмитасига миллий валютада тақдим этилади.

Божжона тўловларининг тўланиши таъминланган суммаси чет эл товарлари «эркин муомалага чиқариш» божжона режимида расмийлаштирилганда тўланиши лозим бўлган божжона тўловлари миқдорига мувофиқ бўлмаганда ёки кам бўлганда, божжона пости ходими шу вақтнинг ўзига ЯИДХП орқали сабабларини кўрсатган ҳолда, чет эл товарларини ташийётган автотранспорт воситаларига нисбатан божжона ҳамроҳлигида кузатиб боришдан озод қилишни рад этишга ҳақли.

## 3-БОБ. БОЖЖОНА ҲАМРОҲЛИГИДАГИ КУЗАТУВНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ

Товарлар ва транспорт воситаларининг божжона ҳамроҳлигидаги кузатуви автотранспорт воситаларининг турини инobatта олган ҳолда, ҳаракатланиш учун қулай ва яқиний манзилга етказиб бериш учун қисқа йўналиш (катта ҳажмли ва оғир вазнли автотранспорт воситалари, шунингдек, махсус, хавфли ҳамда катта ҳажмли ва оғир вазнли юкларни ташийдиган автотранспорт воситалари бундан мустасно) бўйлаб амалга оширилади.

Божжона ҳамроҳлигидаги кузатуви амалга ошириш давомийлиги оддий юкларни яқиний манзилгача ташиш муддатларидан кўп бўлмаслиги лозим.

Божжона ҳамроҳлигидаги кузатув «BOJJOXONA NAZORATI» ёзувли, овоз бериш, сигнал ёриткичли қурилмалар билан жиҳозланган махсус транспорт воситасида амалга оширилади.

Қўл юки сифатида ташийаётган чет эл товарининг божжона ҳамроҳлигидаги кузатуви ушбу қўл юкини божжона чегараси орқали амалда олиб ўтаётган шахсининг Ўзбекистон Республикаси Божжона кодекси талаблари асосида ташувчи сифатида жавобгарлиги остида ва ушбу шахс хоҳишига кўра, унга тегишли бўлган ёки у томонидан ижарага олинган (ёлланган) ёхуд бошқа транспорт воситасида амалга оширилиши мумкин.

Бунда божжона ҳамкорлигида кузатиб бориш билан боғлиқ харажатлар ташувчи ёки бошқа манфаатдор шахслар томонидан қопланади.

Божжона ҳамроҳлигида кузатиб бориш куннинг ёруғ вақтида, автотранспорт воситаси жўнатувчи божжона органига етиб келган пайтдан эътиборан олти соатдан кениктирмай бошланиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ёки Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ёзма топшириги асосида куннинг қоронғи вақтида ҳам кузатув амалга оширилиши мумкин.

Агар бир йўналиш бўйлаб ҳаракатланувчи транспорт воситаларининг сони йигирматага етса, божжона ҳамроҳлигидаги кузатув дарҳол бошланади.

Қабул қилиш ва топшириш пунктларида тесқари йўналиш бўйича божжона ҳамроҳлигида кузатиб борилаётган товарлар ва транспорт воситалари ҳаракатланиш учун тайёр бўлганда, божжона ходимлари қабул қилиш ва топширишни ушбу пунктда амалга оширади.

Қарама-қарши йўналишда ҳаракатланаётган автотранспорт воситалари колоннаси ҳаракатининг йўналиши ва вақти мос тушган ҳолларда, учрашув жойида қабул қилиш-топиришни амалга оширишга рухсат берилади. Бунда божжона ҳамроҳлигида кузатиб борилаётган ҳамда хизмат автотранспорт воситалари тўхтаганда, бошқа транспорт воситалари ҳаракатига ҳалал бермаслиги ва шахслар ҳаётига хавф солмаслиги лозим.

Божжона ҳамроҳлигидаги кузатуви амалга оширишда

хужжатлар ушбу Низомнинг 26-31-бандларига мувофиқ расмий-лаштирилади.

Жўнатувчи божхона пости бошлиғи ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс:

● автотранспорт воситаларини божхона ҳамроҳлигида кузатиб бориш учун ходимларни ажратади;

Божхона ҳамроҳлигида кузатувни амалга оширувчи ходимларга божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, маълумотларни электрон тизимларга ўз вақтида, тўри киришти, божхона ҳужжатларини тўғри расмийлаштириш ҳамда ҳудудий божхона бошқармалари масъул ходимлари билан ўзаро алоқада бўлиш тартиблари юзасидан тушунтиришлар беради.

Божхона ҳамроҳлигида кузатиб бориладиган транспорт воситалари ҳужжатларини расмийлаштирадиган жўнатувчи божхона пости масъул ходими:

хужжатларни ўрганиб чиқади, транспорт воситалари эшик ва люкларнинг, қўл юки идиши ҳамда улардаги қулфларнинг ишончлилиги, шунингдек, қиёслаш воситаларини, муҳрларнинг бутлигини текширган ҳолда, божхона ҳамроҳлигидаги кузатувни амалга ошириш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштиради. Агар текшириш давомида товарлар ташилаётган транспорт воситаси қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаса, товарларни ташигача транспорт воситасини лозим даражада жиҳозлаш ёхуд божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш бўйича чоралар кўриш шarti билан рухсат беради;

Божхона ҳамроҳлигида кузатиб борилаётган товарлар, транспорт воситалари ва уларга тегишли ҳужжатларни белгиланган тартибда топширади.

Божхона ҳамроҳлигидаги кузатувни амалга оширувчи ходим:

● божхона ҳамроҳлигида кузатиб борилаётган товарлар, транспорт воситалари ва уларга тегишли ҳужжатларни белгиланган тартибда қабул қилади;

Божхона ҳамроҳлигида кузатиб бориладиган товарлар ва транспорт воситаларини қабул қилиб олишда транспорт воситалари эшик ва люкларнинг, қўл юки идиши ҳамда улардаги қулфларнинг ишончлилиги, шунингдек, улардаги қиёслаш воситалари, муҳрларнинг бутлигини текширади, камчиликлар аниқланганда, ташувчидан аниқланган камчиликларни бартараф қилишни талаб қилади;

тижорат ва транспорт ҳужжатларида кўрсатилган маълумотлар билан транспорт воситасига қўйилган божхона идентификация воситалари мослигини текширади;

Божхона ҳамроҳлигида кузатиб боришни амалга ошириш жараёнида кузатилаётган товарга тегишли бўлган барча ҳужжатларни шахсан ўзида сақлайди;

пост бошлиғи ёки унинг ўринбосари кўрсатмасига асосан товар ва транспорт воситаларининг белгиланган тартибда божхона ҳамроҳлигида кузатиб борилишини амалга ошириш ва уларни белгиланган манзилга етказиш чораларини кўради.

Бир йўналишда ҳаракатланишга мўлжалланган йўлларда кузатилаётган автотранспорт воситалари ортида тўпланган транспорт воситаларини ўтказиб юбориш чораларини кўради.

Йўналиш бўйича кейинги ҳудудий божхона бошқармасининг божхона ҳамроҳлигидаги кузатувни амалга оширувчи масъул ходимлари қабул қилиш-топширишни мазкур Низомнинг 17-бандига мувофиқ белгиланган жойларда ва 22-бандида келтирилган тартибда амалга оширади.

Сўнги манзилдаги божхона постига етказиб берилган товарлар ва транспорт воситалари мазкур божхона постининг масъул ходимига топширилади ҳамда божхона назорати зонасига жойлаштирилади.

#### 4-БОБ. БОЖХОНА ҲАМРОҲЛИГИДАГИ КУЗАТУВ УЧУН БОЖХОНА ЙИГИМЛАРИ

Божхона ҳамроҳлигидаги кузатув учун божхона йиғимлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган миқдорларда ундирилади, қонун ҳужжатларига мувофиқ божхона ҳамроҳлигидаги кузатув учун божхона йиғимларидан озод этилган ҳолатлар бундан мустасно.

Божхона ҳамроҳлигидаги кузатув учун божхона йиғимлари қонун ҳужжатларига мувофиқ олдиндан тўланиши лозим.

Бир транспорт воситасида қўл юки ташилаётган транспорт воситасида бир неча божхона постлари учун мўлжалланган товарларни ташигача, божхона ҳамроҳлигидаги кузатув учун божхона йиғими, биринчи жўнатиш божхона постидан якуний манзилдаги постигача бўлган масофадан келиб чиққан ҳолда бир мартаба ундирилади.

Божхона ҳамроҳлигидаги кузатув учун божхона йиғимлари ташувчи ёки бошқа манфаатдор шахслар томонидан тўланади.

#### 5-БОБ. БОЖХОНА ҲАМРОҲЛИГИДАГИ КУЗАТУВ

Божхона ҳамроҳлигидаги кузатувни амалга оширувчи ходимлар томонидан ташув шартлари ва товарларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда йиғирмадан қўл бўлмаган автотранспорт воситалари кузатиб борилиши мумкин.

Тўхташ вақтида божхона ҳамроҳлигидаги кузатувни амалга оширувчи ходимлар автотранспорт воситалари гуруҳи назоратини таъминлаши лозим.

Божхона ҳамроҳлигидаги кузатувни амалга ошириш давомида авария ёки ёнгиб бўлмас куч таъсирида ёхуд бошқа ҳолларда транспорт воситаларидан бирининг носозлиги юзага келиб, ҳаракатни давом эттира олмаганда, божхона ҳамроҳлигидаги кузатувни амалга оширувчи ходимлар транспорт воситалари гуруҳи ҳаракатини тўхтатади ва бу ҳақда ушбу ҳудуддаги ҳудудий божхона бошқармасига ёки энг яқин ҳудудда жойлашган божхона постига хабар беради, шунингдек, товарлар йўқотилишининг олдини олиш бўйича зудлик билан божхона назоратини таъминлаш чораларини кўради.

Ҳаракатни давом эттириш учун носоз ҳолга келган автотранспорт воситасини ҳудудий божхона бошқармаси ёки божхона пости масъул ходимига топширганган сўнг белгиланган тартибда қолган автотранспорт воситаларининг божхона ҳамроҳлигидаги кузатувни давом эттиради.

Агарда, автотранспорт воситаси носозлигини қисқа вақтда бартараф этиш имкони мавжуд бўлса, таъмирлаш тугатилган сўнг божхона ҳамроҳлигидаги кузатув давом эттирилади. Содир бўлган ҳолат тўғрисида юзага келган ҳолат, уни бартараф этиш юзасидан кўрилган чоралар, товарларнинг ҳолати ҳамда кейинчалик божхона назорати ва расмийлаштирувни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни акс эттирган ҳолда далолатнома тузилади.

Божхона ҳамроҳлигида кузатиб бориш жараёнида товар ва транспорт воситаси авария ёки ёнгиб бўлмас куч таъсирида шикастланган, фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолган ёки йўқ бўлганда, божхона ҳамроҳлигидаги кузатувни амалга оширувчи ходимлар ташувчи ва ҳалокат содир бўлган йўл участкасида хизмат кўрсатувчи йўл-патруль хизмати ва бошқа ваколатли орган ходимлари билан биргаликда содир бўлган ҳолат тўғрисида далолатнома тўлдирлади.

Божхона ҳамроҳлигидаги кузатувни амалга ошираётган ходимлар юзага келган ҳолат бўйича зудлик билан ҳудудий божхона бошқармаси навбатчилик қисмига ва божхона пости бошлиғига хабар беради.

Ҳудудий божхона бошқармаси ва божхона пости раҳбарияти содир бўлган ҳолат бўйича кечиктириб бўлмайдиган зарур чораларни кўради.

Божхона ҳамроҳлигида кузатиб борилаётган транспорт

воситалари ички ишлар органларининг блок постларида тўхтатилиши ҳамда товарларни кўриш учун автомобилнинг юк бўлмаси очилиши тақиқланади.

Божхона ҳамроҳлигида кузатиб борилаётган транспорт воситаларини тўхтатишга фақат товар ва транспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларини бузган ҳолда, божхона ҳамроҳлигидаги кузатув остида ҳаракатланаётганлиги тўғрисида гумон қилиш учун жиддий асослар мавжуд бўлган тақдирда, Давлат божхона қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармаси раҳбарияти томонидан берилган ёзма кўрсатма мавжуд бўлганда йўл қўйилади.

Божхона ҳамроҳлигида кузатиб бориш давомида товарлар ва транспорт воситалари божхона кўригидан ўтказилганда белгиланган тартибда далолатнома тўлдирилиб, унинг бир нусхаси тижорат ҳамда транспорт ҳужжатларига илова қилинади, иккинчи нусхаси божхона кўригини амалга оширган божхона органи иш юритувида қолади ва Давлат божхона қўмитасининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизимига тегишли маълумотлар киритилади. Божхона ҳамроҳлигидаги кузатув остида бўлган транспорт воситасининг юкxonаси ёки кўл юки идишига янги махсус божхона пломбаси қўйилади.

Божхона ҳамроҳлигидаги кузатув остида олиб кетилаётган транспорт воситаси божхона ҳамроҳлигидаги кузатувни амалга оширувчи ходимларнинг қонуний талабини бажармасдан кетиб қолганда, зудлик билан бу ҳақда ушбу ҳудуддаги ҳудудий божхона бошқармаси ҳамда ўзи хизмат олиб бораётган ҳудудий божхона бошқармалари навбатчилик қисмига хабар беради.

Хабарни олган навбатчилик қисми ички ишлар органларининг ҳудудий таркибий тузилмаларига божхона ҳамроҳлигидаги кузатувдан қочиб кетган транспорт воситасини қидириб топиш бўйича маълумот беради.

Ички ишлар органлари:

Божхона органидан хабар келиб тушиши билан божхона ҳамроҳлигидаги кузатувдан қочиб кетган транспорт воситасини қидириб топиш ва блок постларида тўхтатиш ҳамда божхона органларига топшириш чораларини кўради;

республикамиз магистраль йўлларидagi автотранспорт воситаларини назорат қилиш («Автотранспорт воситаларининг ҳаракатланишини видеокузатуви тизими») тизими маълумотларини электрон шаклда Давлат божхона қўмитасига онлайн режимда тақдим этади.

Божхона органлари ваколатли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ички ишлар органи томонидан онлайн режимда тақдим этилган электрон маълумотлар асосида республика ҳудудида ҳаракатланаётган божхона назорати остидаги товарлар ва транспорт воситалари устидан назоратни амалга ошириб боради.

Божхона ҳамроҳлигидаги кузатувни амалга оширувчи ходимларнинг қонуний талабини бажармасдан, божхона ҳамроҳлигидаги кузатувдан кетиб қолган транспорт воситаси топилганда, ушбу транспорт воситаси божхона кўригидан ўтказилади ва ташувчига нисбатан божхона қонунбузилиш ҳолати юртилади.

Агар товарлар йўқотилганлиги аниқланса, Кодекс ҳамда ушбу Низомнинг 10-банди талаблари асосида ҳисоблаб чиқарилган божхона тўловлари ташувчидан сўзсиз ундириб олинади.

## **6-БОБ. БОЖХОНА ҲАМРОҲЛИГИДАГИ КУЗАТУВНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ХОДИМЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

Божхона ҳамроҳлигидаги кузатувни амалга оширувчи ходимлар қуйидагиларга мажбур:

товарлар ва транспорт воситаларини божхона ҳамроҳлигидаги кузатув остида етказиб беришда божхона қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш;

божхона ҳамроҳлигидаги кузатув давомида хавфсизлик чораларини кўриш ва уларга риоя этиш;

божхона ҳамроҳлигидаги кузатувга олинган товарлар ва автотранспорт воситаларига тегишли ҳужжатларнинг сақланишини таъминлаш;

кузатилаётган товарга тегишли ҳужжатларни транспорт воситаси ҳайдовчисига ёки товар кузатувчисига (экспедиторга) ёхуд бошқа шахсларга бермаслик;

вақти-вақти билан автотранспорт воситасининг юк жойлаштирилган қисмига қўйилган муҳрлар ва пломбаларнинг ҳолатини, шунингдек, ташилаётган товарларни идентификацияловчи бошқа таъминлов воситаларининг сақланишини текшириш;

авария ёки енгиб бўлмас куч таъсирида содир бўлган вазиятларда юк ташувчига кўмаклашиш;

йўл ҳаракати қоидаларига, йўналишига, етказиб бериш муддатларига ва вақтларига қатъий риоя қилиш.

Божхона ҳамроҳлигидаги кузатувни амалга оширувчи ходимларга қуйидагилар тақиқланади:

мазкур Низом талабларини бузиш;

божхона ҳамроҳлигида кузатиб борилаётган товарлар ва транспорт воситаларини назоратсиз қолдириш;

автотранспорт воситаси юкxonасини зарурат бўлмаганда очиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Божхона ҳамроҳлигидаги кузатувни амалга оширувчи ходимлар кузатиб борилаётган товарлар, автотранспорт воситалари ва уларнинг ҳужжатлари йўқ қилиниши ёки йўқолишига сабаб бўладиган ҳолатлар вужудга келган вазиятда товарлар, автотранспорт воситалари ва уларнинг ҳужжатлари сақланишини таъминлаш бўйича зарур чораларни кўриши шарт.

## **7-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

Божхона ҳамроҳлигидаги кузатув остида ташилладиган товарлар, транспорт воситаларини ташиш қоидаларини бузганлик, шунингдек, божхона ҳамроҳлигидаги кузатувни амалга оширувчи ходимларнинг қонуний талабларига буйсунмаслик учун ташувчи Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Божхона органлари ва ички ишлар органларининг мансабдор шахслари ушбу Низом талабларини бузганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

## **ЧЕТ ЭЛ ТОВАРЛАРИНИ ТАШИШ ЖАРАЁНИДА БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИ ТЎЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШНИ ВАКОЛАТЛИ ШАХСЛАР БИЛАН РЕАЛ ВАҚТ РЕЖИМИДА ВА ИНТЕРАКТИВ ШАКЛДА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК АСОСИДА ҲИСОБГА ОЛИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ**

### **1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

Ушбу Низом чет эл товарларини ташиш жараёнида божхона тўловлари тўланишини таъминлашни ваколатли шахслар билан реал вақт режимида ва интерактив шаклда ўзаро ҳамкорлик асосида ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартибини белгилайди.

Мазкур Низомда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ваколатли шахс** – чет эл товарлари учун божхона тўловларининг тўланишини таъминловчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси (кейинги ўринларда – Давлат божхона қўмитаси) реестрига киритилган, шунингдек божхона тўловлари тўланишига жавобгар бўлган банк, сугурта ташкилотлари, ташқи иқтисодий фаолият субъектлари (юк жўнатувчи, юк қабул қилувчи, ташувчи) ёки бошқа манфаатдор шахс;

**жўнатувчи божхона пости** – товарнинг тўлиқ туркуми ёки унинг қисмини божхона назорати остида ташиш бошланган божхона пости;

**манзилдаги божхона пости** – товарнинг тўлиқ туркуми ёки унинг қисмини божхона назорати остида ташиш тугалланган божхона пости;

**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими** (кейинги ўринларда – ДБҚ ЯААТ) – божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг ва транспорт воситаларининг божхона назоратини амалга ошириш учун уларга доир ҳужжатлар ва маълумотларнинг киритилишини, ҳисобга олиншини ҳамда мониторинг қилинишини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг автоматлаштирилган тизими.

Чет эл товарлари ташилаётган автотранспорт воситалари учун божхона тўловлари тўланишини таъминлаш (пул маблағларини божхона органининг шахсий газна ҳисобварағига киритишдан ташқари) банклар ва сугурта ташкилотлари марказий идоралари билан Давлат божхона қўмитаси ўртасида тузилган томонларнинг жавобгарлигини белгилловчи шартнома асосида амалга оширилади. Бунда банк ва сугурта ташкилотларининг тўлов қобилияти инobatта олинади.

Банк кафолати ҳамда сугурта полислари Давлат божхона қўмитаси билан тузилган шартнома асосида банклар ва сугурта ташкилотлари томонидан Давлат божхона қўмитасига электрон шаклда, онлайн режимида тақдим этилади.

Чет эл товарларини ташиш жараёнида божхона органи рухсатисиз товарлар бериб юборилганда, йўқотилганда ёки манзилга белгиланган муддатда ўзгармас ҳолатда (табиий эскириш ёхуд нормал ташиш ва сақлаш шартларида камайиш оқибатидаги ўзгаришлар бундан мустасно) ётказиб берилмаганда, ушбу товарларга ҳисобланган божхона тўловлари таъминлов божхона расмийлаштируви учун қабул қилинган кунда амалда бўлган банк кафолати ёки сугурта полиси асосида ундириб олинади.

Банклар ва сугурта ташкилотлари томонидан божхона тўловлари тўланиши таъминланган банк кафолати ва сугурта полиси, ушбу банк кафолати ҳамда сугурта полиси бўйича мажбуриятлар бажарилмагунга қадар бекор қилиниши мумкин эмас.

Чет эл товарларини ташиш жараёнида божхона тўловлари тўланишини таъминлашни ҳисобга олиш ҳамда назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) ва ДБҚ ЯААТ орқали электрон шаклда амалга оширилади.

### **2-БОБ. ЧЕТ ЭЛ ТОВАРЛАРИНИ ТАШИШ ЖАРАЁНИДА БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИ ТЎЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ**

#### **1-§. Божхона тўловлари тўланишини таъминлашнинг умумий қоидалари**

Божхона тўловлари тўланишини таъминлаш ваколатли шахслар томонидан электрон шаклда онлайн режимида тақдим этилади.

Чет эл товарларини ташиётган автотранспорт воситаларини божхона ҳамроҳлигида кузатиб боришдан овоз қилиш учун божхона тўловларини таъминловчи ваколатли шахс ЯИДХП орқали Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 47-бобига мувофиқ божхона тўловлари тўланишини куйидаги исталган усуллар орқали таъминлаши мумкин:

пул маблағларини божхона органининг шахсий газна ҳисобварағига (кейинги ўринларда – депозит) киритиш;

товарларни гаровга қўйиш;

банк кафолатини тақдим этиш;

божхона тўловларини тўлаш мажбуриятини сугурталаш; кафилик.

Божхона тўловлари тўланишини таъминлаш суммаси, божхона назорати остида ташилаётган товарларни «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида жойлаштиришда преференциялар ҳамда имтиёзлар инobatта олинмаган ҳолда ҳисоблаб қилинган божхона тўловлари суммасига мос ёки ундан кам мажбуслиги керак.

Чет эл товарларини Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ташиш бошлангандан олдин ваколатли шахс электрон рақамли имзо билан ЯИДХПнинг «Чет эл товарларининг ҳаракатига божхона тўловлари тўланишини таъминлаш» интерактив хизмати орқали электрон шаклда божхона тўловлари тўланиши таъминотини киритади.

Бунда чет эл товарлари ташилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун божхона тўловлари тўланишини таъминлаш алоҳида амалга оширилиши лозим.

ЯИДХП орқали божхона тўловлари тўланишини таъминлашда, чет эл товарлари ташилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун маълумотлар алоҳида шакллантирилиб, божхона органига юборилади.

Божхона органига келиб тушган маълумотлар ДБҚ ЯААТдаги форматли-мантийқ назоратдан ижобий ўтганда, чет эл товарлари ташилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси бўйича божхона тўловлари тўланиши таъминланганлиги тўғрисида идентификация коди автоматик тарзда ваколатли шахсга тақдим этилади ва товарларни манзилга ётказиб бериш билан боғлиқ мажбуриятлар бажарилгунга қадар ушбу маблағлардан фойдаланиш чекланади.

Идентификация коди чет эл товарларини ташиётган автотранспорт воситаларига нисбатан божхона ҳамроҳлигида кузатиб боришдан овоз қилиш мақсадида божхона расмийлаш-

тирувини амалга ошириш вақтида ёки Ўзбекистон Республикаси божхона хуудига келадиган товарлар ва транспорт воситалари тўғрисида электрон шаклда олдиндан хабардор қилишда жўнатувчи божхона постига тақдим қилинади.

Битта автотранспорт воситасига қўлланилган божхона тўловлари тўланишини таъминлаш суммасидан ушбу автотранспорт воситасига нисбатан товарларни ташиш мажбуриятлари бажарилгунга қадар бошқа автотранспорт воситасига нисбатан божхона тўловлари тўланишини таъминлаш мақсадида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

## **2-§. Пул маблағларини божхона органининг депозитига киритиш орқали божхона тўловлари тўланишини таъминлаш**

Тўловчи божхона тўловлари тўланишини таъминлаш учун божхона органининг депозитига пул маблағлари суммасини миллий валютада ҳамда чет эл валютасида киритиши мумкин.

Божхона тўловлари тўланишини таъминлаш чет эл валютасида депозитга киритилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилганда, божхона расмийлаштируви амалга оширилаётган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган расмий курс бўйича ҳисобланади.

Божхона органининг депозитига киритилган маблағлардан божхона тўловларини таъминлаш депозитга маблағ киритган шахсининг электрон аризаси асосида автотранспорт воситасида ташилаётган чет эл товарлари учун фойдаланилади.

Божхона тўловлари тўланишини таъминланган пул маблағларидан фойдаланиш учун қўйилган чеклов чет эл товарларини etkazиб бериш бўйича мажбуриятлар бажарилгандан сўнг автоматик тарзда бекор бўлади.

Мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, киритилган пул маблағлари божхона тўловларини тўлаш бўйича қарздорликни тўлаш ҳисобидан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ депозит суммасидан сўзсиз ундирилади.

## **3-§. Товарларни гаровга қўйиш орқали божхона тўловлари тўланишини таъминлаш**

Божхона тўловлари тўланишини таъминлаш суммаси гаров тўғрисидаги шартнома асосида товарларни гаровга қўйиш орқали таъминланади.

Гаровга қўйилган товарлардан божхона тўловлари тўланишини таъминлаш гаровга қўйган шахс номига олиб келинаётган чет эл товарлари учун фойдаланилади.

Божхона тўловлари тўланишини таъминлаш учун гаровга қўйилган товарлардан фойдаланиш учун қўйилган чеклов чет эл товарларини etkazиб бериш бўйича мажбуриятлар бажарилгандан сўнг автоматик тарзда бекор бўлади.

Мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, божхона тўловларини тўлаш бўйича қарздорликни гаровга қўйилган товарлар ҳисобидан ундириб олиш чоралари қўрилади.

## **4-§. Банк кафолатини тақдим этиш орқали божхона тўловлари тўланишини таъминлаш**

Божхона тўловлари тўланишини таъминлаш суммаси Ўзбекистон Республикасида банк операцияларини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган банкнинг кафолатини онлайн режимда электрон шаклда тақдим этиш орқали таъминланади.

Банк кафолати асосида божхона тўловларини таъминлаш банк кафолатини олган шахс номига олиб келинаётган ёки ушбу шахсга тегишли автотранспорт воситасида ташилаётган чет эл товарлари учун фойдаланилади.

Божхона тўловлари тўланишини таъминлаш учун импорт қилувчи томонидан банк кафолати тақдим этилганда, банк кафолатида унинг СТИРи, транспорт корхоналари томонидан банк кафолати тақдим этилганда эса банк кафолатида чет

эл товарини ташийдиган автотранспорт воситалари давлат рақами кўрсатилиши лозим.

Божхона тўловлари тўланиши таъминланган чет эл товарлари бўйича мажбуриятлар бажарилганда, банк кафолати асосида божхона тўловлари тўланиши таъминланган суммага нисбатан ўрнатилган чекловлар автоматик тарзда бекор қилинади.

Мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, божхона тўловларини тўлаш бўйича қарздорлик банк кафолатини тақдим этган тижорат банкдан қонун ҳужжатларига мувофиқ сўзсиз ундирилади.

## **5-§. Божхона тўловларини тўлаш мажбуриятини сугурталаш орқали божхона тўловлари тўланишини таъминлаш**

Божхона тўловлари тўланишини таъминлаш суммаси Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган сугурта ташкилотларининг сугурта полисини онлайн режимда электрон шаклда тақдим этиш орқали таъминланади.

Сугурта полиси асосида божхона тўловлари таъминотидан сугурта полиси берилган шахс номига олиб келинаётган ёки ушбу шахсга тегишли автотранспорт воситасида ташилаётган чет эл товарлари учун фойдаланилади.

Божхона тўловлари тўланишини таъминлаш учун импорт қилувчи томонидан сугурта полиси тақдим этилганда, сугурта полисида унинг СТИРи, транспорт корхоналари томонидан сугурта полиси тақдим этилганда эса сугурта полисида чет эл товарини ташийдиган автотранспорт воситалари давлат рақами кўрсатилиши лозим.

Сугурта полиси битта автотранспорт воситасига олинганда, божхона ҳамроҳлигида кузатиб боришдан озод этиш учун ЯИДХПга мурожаат этмасдан, тўғридан-тўғри жўнатувчи божхона постига мурожаат этиши мумкин. Бунда идентификация коди талаб этилмайди.

Божхона тўловлари тўланиши таъминланган чет эл товарлари бўйича мажбуриятлар бажарилганда, божхона тўловлари тўланиши таъминланган сугурта полисига нисбатан ўрнатилган чекловлар автоматик тарзда бекор қилинади.

Мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, божхона тўловларини тўлаш бўйича қарздорликни сугурта полиси асосида ундириб олиш чоралари қўрилади.

## **6-§. Кафиллик орқали божхона тўловлари тўланишини таъминлаш**

Кафиллик божхона органининг депозитига пул маблағлари суммасини Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ҳамда чет эл валютасида киритиш орқали таъминланади.

Божхона тўловлари тўланишини таъминлаш чет эл валютасида депозитга киритилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилганда, божхона расмийлаштируви амалга оширилаётган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган расмий курс бўйича ҳисобланади.

Кафил томонидан божхона органининг депозитига киритилган маблағлардан депозитга маблағ киритган ёки бошқа шахслар номига олиб келинаётган ёхуд ушбу шахсларга тегишли автотранспорт воситасида ташилаётган чет эл товарлари учун божхона тўловлари тўланишини таъминлашда фойдаланилади.

Божхона тўловлари тўланиши таъминланган пул маблағларидан фойдаланиш учун қўйилган чеклов чет эл товарларини etkazиб бериш бўйича мажбуриятлар бажарилгандан сўнг автоматик тарзда бекор бўлади.

Мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, киритилган пул маблағлари божхона тўловларини тўлаш бўйича қарздорликни тўлаш ҳисобига депозитга киритилган кафиллик суммасидан олинади.

### 3-БОБ. ЧЕТ ЭЛ ТОВАРЛАРИНИ ТАШИШ ЖАРАЁНИДА БОЖЖОНА ТЎЛОВЛАРИ ТЎЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

ДБҚ ЯААТда чет эл товарларини ташийётган автотранспорт воситаларига нисбатан божжона ҳамроҳлигида кузатиб боришдан овоз қилиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатларни бажаришнинг ҳар бир босқичида форматли-манتيкий назорат амалга оширилади.

Форматли-манتيкий назоратни амалга ошириш натижасида ҳаттоликлар аниқланган тақдирда, автоматик тарзда электрон шаклда ваколатли шахсга тегишли маълумотлар уларни тўғирлаш учун юборилади.

Божжона расмийлаштирувини амалга ошириш вақтида ёки электрон тарзда олдиндан хабардор қилишда тақдим қилинган идентификация коди орқали божжона пости ходими товарнинг кузатув ҳужжатларида кўрсатилган маълумотлар билан ДБҚ ЯААТдаги маълумотларни солиштиради.

Солиштириш натижаси бўйича маълумотлар ўртасида номувофиқликлар аниқланмаган тақдирда, транспорт воситаси божжона ҳамроҳлигида кузатиб боришдан овоз қилинади.

Солиштириш натижаси бўйича маълумотлар ўртасида номувофиқликлар аниқланганда, божжона пости ходими шу вақтнинг ўзида ваколатли шахсга ЯИДХП орқали сабабларини кўрсатган ҳолда, чет эл товарларини ташийётган автотранспорт воситаларига нисбатан божжона ҳамроҳлигида кузатиб боришдан овоз қилишни рад этишга ҳақли.

Идентификация коди ва божжона тўловлари тўланишини таъминлаш суммасини божжона пости ходими ДБҚ ЯААТда мустақил текширади.

### 4-БОБ. БОЖЖОНА ОРГАНИ РУХСАТИСИЗ ТОВАРЛАР БЕРИБ ЮБОРИЛГАНДА, ЙЎҚОТИЛГАНДА ЁКИ МАНЗИЛДАГИ БОЖЖОНА ПОСТИГА БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТДА ҲАМДА УЗГАРМАС ҲОЛАТДА ЕТКАЗИЛМАГАНДА, БОЖЖОНА ТЎЛОВЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ ВА УНДИРИШ

Божжона органи рухсатисиз товарлар бериб юборилганда, йўқотилганда ёки манзилдаги божжона постига белгиланган муддатда ўзгармас ҳолатда (табиий эскириш ёхуд нормал ташиш ва сақлаш шароитларида камайиш оқибатидаги ўзгаришлар бундан мустасно) етказилмаганлиги ҳолати аниқланганда, манзилдаги божжона пости, агар мазкур ҳолат бошқа ҳудудий бошқарма жойлашган ҳудудда аниқланганда, ушбу ҳудудий бошқарма масъул таркибий ўзбирмалари аниқланган куннинг ўзида ҳудудий бошқарма раҳбариятига ёзма ахборот беради.

Мазкур банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган ҳолатлар бўйича манзилдаги божжона постидан ахборот келиб тушиши билан ҳудудий бошқарма раҳбарияти товарларга божжона тўловларини ҳисоблаш бўйича зарур чораларни кўради.

Тақдим қилинган ҳамда ДБҚ ЯААТдан олинган маълумотлар асосида мазкур банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган ҳолатлар аниқланган кундан бошлаб икки иш куни ичида мазкур Низомга иловада\*\*\* кўрсатилган шаклда далолатнома тўлдирилади. Ушбу далолатнома божжона тўловлари ва пеняларни сўзсиз ундириб олиш ҳақидаги талабнома билан бирга ДБҚ ЯААТ орқали ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа йўл билан:

ваколатли шахсга;  
кафилга (кафиллик билан таъминланганда);  
банка (банк кафолати билан таъминланганда);  
суғурталовчи ташкилотга (суғурта билан таъминланганда) юборилади.

Давлат божжона қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ваколатли ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда уч иш куни ичида ҳолатга аниқлик киритиш ҳамда товарларни қидириб топиш чораларини кўради.

Божжона назорати остида ташийлаётган товарларни манзилдаги божжона постига тўлиқ ётказиш чоралари кўрилиши ёки далолатнома асосида божжона тўловларини тўлаш муддати талабнома тўловчига топширилган ёки тўловчи томонидан талабнома олинган куннинг эртасидан эътиборан ўн иш кунини ташкил этади.

Ваколатли шахс томонидан талабномада кўрсатилган талаблар бажарилмаганда, Ўзбекистон Республикаси Божжона кодексининг 47-бобига мувофиқ чоралар кўрилади, шу жумладан, талабнома юборган ҳудудий бошқарма томонидан судга ваколатли шахс томонидан чет эл товарларини ташийётган автотранспорт воситаларига нисбатан божжона ҳамроҳлигида кузатиб боришдан овоз қилиш бўйича идентификация коди беришни вақтинча тўхтатиб туриш тўғрисида белгиланган тартибда суд органларига мурожаат қилинади.

Идентификацион код беришни вақтинча тўхтатиб туриш ҳақидаги суд қарори қабул қилинганда, тўланиши лозим бўлган божжона тўловлари ва пенялар тўлиқ ундирилгунга қадар ваколатли шахсга чет эл товарларини ташийётган автотранспорт воситаларига нисбатан божжона ҳамроҳлигида кузатиб боришдан овоз қилиш бўйича идентификацион код берилиши тўхтатилади. Бу ҳақида божжона органи томонидан ДБҚ ЯААТга тегишли форматли-манتيкий назорат ўрнатилади.

Товарларни божжона органининг рухсатисиз бериб юбориш, йўқотиш ёки манзилдаги божжона постига белгиланган муддатда ўзгармас ҳолатда етказмаслик оқибатида ҳисобланган божжона тўловлари ундириб олингандан сўнг товарни етказиб беришининг назорат ҳужжати назоратдан ечиллади.

### 5-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДА

Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

\*\*\*Низомга шлова «СБХ»да чоп этилмайдди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида танишиш мумкин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАН ШАХС СИФАТИДА ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 6 июндаги ПҚ-4742-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадидда Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Ўзини ўзи банд қилган шахсларни давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказиш тартиби;

\*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 24.12.2020 йилдан кучга кирди.



ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан меҳнат фаолиятини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари;

ўзини ўзи банд қилган шахслар ва уларнинг хизматларидан (ишларидан) фойдаланувчилар ўртасидаги фуқаролик-хуқуқий муносабатларни тартибга солиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 8 июндаги ПҚ-4742-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхатига «Номоддий маданий мерос объектларини (дорбоз, аския ва лалар) асраш ва улардан фойдаланиш (маданият марказлари таркибида фаолият юритаётган шахслар бундан мустасно)» фаолият тури киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага\*\*

мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага\*\* мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А.Кўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д.Кудибиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири**  
**А.АРИПОВ.**

Тошкент ш.,  
2020 йил 23 декабрь  
806-сон.

ЎЗР ВМнинг 2020 йил 23 декабрдаги 806-сон қарорига  
1-ИЛОВА

## ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАН ШАХС СИФАТИДА ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

### 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом ўзини ўзи банд қилган шахсларни хабар бериш тартибидан рўйхатдан ўтказиш ва фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ишлар (хизматлар) буюртмачилари** – ўзини ўзи банд қилган шахсларни шартнома шартларига ёки иш муомаласи одатларига асосланган хизматлар кўрсатиш ва ишларни бажариш бўйича фаолиятга жалб қиладиган жисмоний ва юридик шахслар;

**махсус мобил илова** – мобил телефонлар (планшетлар) учун мўлжалланган «мобил идентификация қилиш» билан шахсни идентификациялаш имконини берувчи дастур;

**солиқ тўловчининг шахсий кабинети** – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтига жойлаштирилган, солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалга оширилиши билан боғлиқ бўлган ўзаро муносабатларни электрон тарада амалга оширишни таъминлайдиган ахборот ресурси;

**ўзини ўзи банд қилган шахслар** – меҳнат даромади олишга йўналтирилган, жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш бўйича шахсий меҳнати билан иштирок этишга асосланган фаолиятни мустақил амалга оширадиган, яқна тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатга олинмаган, меҳнат стажы ҳисобга олинмиши ва рағбатлантирувчи имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқи билан давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказилган жисмоний шахслар;

**ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг маълумотлар базаси (регистр)** – «Ягона миллий меҳнат тизими» идораларо дастурий-аппарат комплексидан ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган ўзини ўзи банд қилганлар тўғрисидаги ўзаро боғлиқ ахборотнинг сақлаш, ўзгартириш ва қайта ишлаш учун мўлжалланган тизимлаштирилган маълумотлар базаси;

**ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўт-**

**ганлиги тўғрисида маълумотнома** – ўзини ўзи банд қилган шахсга махсус мобил илова ёки шахсий кабинет орқали юбориладиган ва фуқаронинг ўзини ўзи банд қилган шахс сифатидаги меҳнат мақомини белгилаб берадиган электрон шаклдаги маълумот.

3. Ўзини ўзи банд қилган шахслар тўғрисида маълумотлар базаси (регистр) давлат солиқ хизмати органлари томонидан яратилади ва параллел равишда «Ягона миллий меҳнат тизими» идораларо дастурий-аппарат комплексидан шакллантириладиган жисмоний шахснинг шахсий ишга жойлашиши тарихига интеграция қилинади.

4. Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган жисмоний шахснинг яқна тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиши талаб этилмайди.

5. Ўзини ўзи банд қилган шахслар ўз фаолиятида ёлланма ходимлар меҳнатидан фойдаланишга ҳамда тадбиркорлик субъектларига ёлланган ходим сифатида меҳнат фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмас.

6. Ташкилотлар томонидан ўзини ўзи банд қилган шахсларни шартнома асосида бир марталик хизматлар кўрсатиш ва ишларни бажариш бўйича фаолиятга жалб қилишга йўл қўйилади. Бунда ўзини ўзи банд қилган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш ихтиёрий солиқни ҳисоблаб чиқиш объекти ҳисобланмайди.

7. Ўзини ўзи банд қилиш тартибидан меҳнат фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган даромадларга жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғи таътиб этилмайди. Бунда ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолиятидан ташқари олинган даромадларига Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексидан белгиланган тартибда солиқ солинади.

### 2-БОБ. ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАН ШАХСНИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИДА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

8. Ўзини ўзи банд қилган шахс махсус мобил илова ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали ёхуд давлат солиқ хизмати органига келган ҳолда рўйхатдан ўтиши мумкин.

\*\*Қарорга 2-3-иловалар «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида танишиш мумкин.

Бунда сўровнома ўзини ўзи банд қилган шахс томонидан махсус мобил илова ёки шахсий кабинет орқали электрон шаклда мустақил равишда, давлат солиқ хизмати органига келганда эса солиқ органи ходими томонидан тўлдирилади.

9. Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида давлат солиқ хизмати органларидан рўйхатдан ўтиш ушбу Низомга 1-иловада\*\*\* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

10. Сўровномада куйидаги маълумотлар кўрсатилади:

ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахсинг шахсий идентификация рақами, рўйхатдан ўтказиш электрон рақамли имзо орқали амалга оширилган ҳолатлар бундан мустасно;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 8 июндаги ПҚ-4742-сон қарорига илова билан тасдиқланган Ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун фаолият (ишлар, хизматлар) турлари;

ўзини ўзи банд қилиш тартибда меҳнат фаолиятини юритишинг мўлжалланаётган манзили;

ўзини ўзи банд қилган шахсинг мобил телефон рақами ва у билан боғлиниш мумкин бўлган бошқа маълумотлар.

Сўровномада ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахсинг фамилияси, исми ва отасининг исми, паспорт (ID-карта) серияси ва рақами, яшаш манзили тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Ички ишлар вазирлигининг маълумотлар базаларида мавжуд маълумотлар асосида автоматик тарзда шакллантирилади.

11. Ўзини ўзи банд қилган шахслар меҳнат фаолиятини амалга оширадиган ҳудуд бўйича давлат солиқ хизмати органларида рўйхатга қўйилади.

12. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўзини ўзи банд қилган шахсга ушбу Низомга 2-иловада\*\*\* келтирилган намунавий шаклда махсус мобил илова ёки шахсий кабинет орқали ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида матрицали штрих кода (QR-код) эга бўлган маълумотнома (кейинги ўринларда – маълумотнома) юборилади.

Бунда маълумотнома давлат тилида расмийлаштирилади. Шахсинг хоҳишига кўра маълумотнома рус ва инглиз тилларида ёки имкон бўлса, бошқа тилда расмийлаштирилиши мумкин.

13. Ўзини ўзи банд қилган шахслар маълумотномани махсус мобил илова ёки шахсий кабинет орқали юклаб олишлари ёхуд давлат солиқ хизмати органига келган ҳолда қўғоз шаклида ҳам олишлари мумкин.

14. Ўзини ўзи банд қилган шахсларга маълумотнома чекланмаган муддатга берилади.

15. Ўзини ўзи банд қилган шахсларни давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказишда ҳақ ундирилмайди.

### **3-БОБ. ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАН ШАХСЛАР ТОМОНИДАН МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

16. Ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан меҳнат стажига ҳисобланиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ижтимоий солиқ тўланади.

Ушбу сумма тўлиғича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йўналтирилади ва ундан келиб чиққан ҳолда яқка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган тартибда пенсия ҳисоблаш учун даромад ҳажми аниқланади.

17. Агар ўзини ўзи банд қилган шахс ўз меҳнат фаолиятини тўхтатса, у ўз фаолиятини тўхтатганига қадар давлат солиқ хизмати органига фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги билдиришномани махсус мобил илова ёки шахсий кабинет орқали юборади.

18. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан олинган ўзини ўзи банд қилган шахсинг фаолияти вақтинчалик тўхтатилганлиги тўғрисидаги билдиришнома ўзини ўзи банд қилган шахс меҳнат фаолиятини амалга оширмайдиган даврда ижтимоий солиқни тўлашни тўхтатиб туриш учун асос бўлади.

19. Ўзини ўзи банд қилган шахслар махсус мобил илова орқали куйидаги имкониятлардан фойдаланиши мумкин:

буюртмаларни ва кўрсатилган хизматлар (товарлар) учун тўловларни қабул қилиш;

юрidik шахсларга хизматлар кўрсатишда (товарларни сотишда) электрон ҳисоб-китоб фактураларни тақдим қилиш; мобил илова ёрдамида ихтиёрий асосда даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиш ҳамда ушбу маълумотлардан кейинчалик, шу жумладан, кредит олиш ва (ёки) солиқларни ҳисобдан чиқариш мақсадида фойдаланиш;

ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг товарларини (ишларини, хизматларини) реклама қилиш;

кўрсатилаётган хизматлар (товарлар) сифатини баҳолаш ва истеъмолчилар томонидан фикр-мулоҳазалар билдирилиши.

20. Ўзини ўзи банд қилган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат-касса техникаси ва банк пластик карточкалари орқали ҳисоб-китоблар бўйича тўлов терминалларидан фойдаланади ҳамда тижорат банкларида ҳисобварақларини очishi мумкин.

21. Махсус мобил илова орқали даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритаётган ўзини ўзи банд қилган шахсларга тижорат банклари томонидан кредитлар яқка тартибдаги тадбиркорлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб асосида берилади.

22. Ушбу Низомнинг 12-бандида назарда тутилган маълумотнома ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар) учун норезидентлардан чет эл валютасидаги тўловларни тижорат банкларидаги ҳисобварақларига кириш қилиш учун асос ҳисобланади.

### **4-БОБ. ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАН ШАХСЛАР ВА УЛАРНИНГ ХИЗМАТЛАРИДАН (ИШЛАРИДАН) ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ЎРТАСИДАГИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ**

23. Ўзини ўзи банд қилган шахслар ва ишлар (хизматлар) буюртмачилари ўртасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар шартнома шартларига ёки иш муомаласи одатларига асосланади.

24. Ўзини ўзи банд қилган шахс билан ишлар (хизматлар) буюртмачиси ўртасидаги иш муомаласи одатларига асосланган ўзаро муносабатларда оғзаки шаклда битим (шартнома) тузишга йўл қўйилади.

Шартнома шартларига асосланган ўзаро муносабатларда ёзма шаклда шартнома тузиш талаб этилади.

25. Битим (шартнома) тузишда томонлар унинг шартларини, шу жумладан, ундан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариши ва уни бекор қилиш шартларини мустақил белгилаб оладилар.

26. Битим (шартнома) иштирокчилари унинг томонлари ҳисобланадилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ мажбуриятларни бажарадилар.

27. Битимни (шартномани) бажариш билан боғлиқ низолар томонларнинг ўзаро розилиги билан ёки суд тартибда ҳал этилади.

### **5-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДА**

28. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

\*\*\*Низомга иловалар «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида танишиш мумкин.

## ВОСИТАЧИЛИК ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА ЧЕГИРМА ҲИСОБИ

Воситалик шартномаси бўйича комитент воситачига ҳақ эвазига воситачи номидан, бироқ комитент ҳисобидан битимлар тузишни топширади (ФК 832-м.). Улар ўртасидаги ҳисоб-китоблар тартиби шартномада белгиланади ва иккита вариантни назарда тутиши мумкин: ҳисоб-китобларда воситачи иштирокисиз ва унинг иштирокида. Шунингдек, воситачилик шартномасида тарафлар сотиб олувчиларга чегирмалар тақдим этиш тартибини назарда тутишлари мумкин.

Фараз қилайлик, ҚҚС тўловчиси бўлган комитент ҚҚС тўловчиси бўлган воситачига реализация қилиш учун таннархи 42 000 минг сўмлик товарларни топширади. Уларнинг сотиш қиймати ҚҚС билан 69 000 минг сўм миқдорига белгилади.

Воситачилик шартномаси бўйича сотиб олувчиларга 46 000 минг сўм суммадан ортик товарларни харид қилиш чоғида 1% чегирма тақдим этилади. 46 000 минг сўмдан кам суммада товарларни харид қилишда 1% чегирма етказиб бериш қиймати учун ҳақ реализация қилиш санасидан кейин 5 кун ичида тўланган тақдирда тақдим этилади.

Воситачининг ҳақи – сотилган товарлар қийматининг 10%. Агар чегирмалар реализация қилиш санасидан кейин тақдим этилган бўлса, воситачилик ҳақи суммасига тузатиш киритилмайди.

Воситачи ҳисоб-китобларда иштирок этади. Сотиб олувчилардан тушган пул маблағларини у ўз ҳисобварағига олади, сўнгра уларни

Комитентда бухгалтерия ҳисоби:

Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Сўтлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Чегирма билан реализация қилишдан олинган даромад эътироф этилди (воситачидан ҳисобот олиш чоғида) (68 310 – 8 910)	59 400	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган сўтлар»	9020-«Товарларни сотишдан даромадлар»
ҚҚС ҳисобланди	8 910	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган сўтлар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Реализация қилинган товарларнинг таннархи ҳисобдан чиқарилди	42 000	9120-«Сотилган товарларнинг таннархи»	2960-«Комиссияга берилган товарлар»
Воситачига ҳақ ҳисобланди (6 831 – 891)	5 940	9410-«Сотиш харажатлари»	6990-«Бошқа мажбуриятлар»
Воситачилик ҳақи бўйича ҚҚС акс этирилди	891	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловлари (турлари бўйича)»	6990-«Бошқа мажбуриятлар»
Воситачидан пул маблағлари келиб тушди	61 479	5110-«Ҳисоб-китоб сўти»	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган сўтлар»
Воситачига ҳақ суммаси ҳисобга олинди	6 831	6990-«Бошқа мажбуриятлар»	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган сўтлар»

Воситачида бухгалтерия ҳисоби:

Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Сўтлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Реализация қилинган товарлар ҳисобдан чиқарилди	69 000*		004-«Комиссияга қабул қилинган товарлар»
Сотиб олувчининг реализация қилинган товарлар учун қарзи ва комитент олдидаги қарз акс этирилди	68 310	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган сўтлар» (сотиб олувчи)	6990-«Бошқа мажбуриятлар» (комитент)

комитентга ўз ҳақини чегирман ҳолда ўтказди.

## Чегирма товарларни реализация қилиш пайтида тақдим этилганда

Воситачи комитентнинг бутун товарини – 69 000 минг сўмга реализация қилди. Сотиб олувчига 690 минг сўм (69 000 x 1%) суммада чегирма тақдим этилди. Етказиб беришнинг умумий қиймати чегирма билан 68 310 минг сўмни (69 000 – 690), товарларни чегирма билан реализация қилишда ҳисобланган ҚҚС – 8 910 минг сўмни (68 310 / 115 x 15) ташкил этди.

Воситачилик ҳақи 6 831 минг сўмни (68 310 x 10%) ташкил этади. Воситачи томонидан воситачилик ҳақидан ҳисобланган ҚҚС – 891 минг сўм (6 831 / 115 x 15).

Воситачи комитентга 61 479 минг сўм (68 310 – 6 831) ўтказиши керак.

Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Сўтлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Воситачилик ҳақи тарзидаги даромад акс этирилди	5 940	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган сўтлар» (комитент)	9030-«Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар»
Воситачилик ҳақи суммасига ҚҚС ҳисобланди	891	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган сўтлар» (комитент)	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Сотиб олувчидан пул маблағлари келиб тушди	68 310	5110-«Ҳисоб-китоб сўти»	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган сўтлар» (сотиб олувчи)
Воситачилик ҳақи ҳисобга олинди	6 831	6990-«Бошқа мажбуриятлар» (комитент)	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган сўтлар» (комитент)
Комитентга бўлган қарз сўндирилди (воситачилик ҳақини чегирман ҳолда)	61 479	6990-«Бошқа мажбуриятлар» (комитент)	5110-«Ҳисоб-китоб сўти»

\*Воситачиликка қабул қилинган товарлар ҳисоби 004-сўтда қабул қилиш-топириши даллатномаларида назарда тутилган нархларда юртилади (Йўриқноманинг 439-б., 21-сон БҲМСга 2-илова, АВ рақами 1181, 23.10.2002 й.).

## Чегирма реализация қилиш санасидан кейин тақдим этилганда

Воситачи комитентнинг товарини 34 500 минг сўмга реализация қилди, шу жумладан ҚҚС – 4 500 минг сўм (34 500 : 115 x 15).

Воситачилик ҳақи – 3 450 минг сўм (34 500 x 10%). Воситачилик ҳақидан ҳисобланган ҚҚС – 450 минг сўм (3 450 / 115 x 15).

Сотиб олувчи товар учун реализация қилиш санасидан кейин 5 кун ичида тўловни амалга оширди ва 345 минг сўм (34 500 x 1%) суммада чегирма олди. ҚҚСни тузатиш суммаси 45 минг сўмни (345 / 115 x 15) ташкил этди.

Сотиб олувчи воситачига чегирмани инobatта олган ҳолда 34 155 минг сўм (34 500 – 345) ўтказди. Воситачи комитентга 30 705 минг сўм (34 155 – 3 450) ўтказиши керак.

Комитентда бухгалтерия ҳисоби:

Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Сўтлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Реализация қилишдан олинган даромад эътироф этилди (воситачидан ҳисобот олиш чоғида) (34 500 – 4 500)	30 000	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган сўтлар»	9020-«Товарларни сотишдан даромадлар»
ҚҚС ҳисобланди	4 500	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган сўтлар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Реализация қилинган товарларнинг таннархи ҳисобдан чиқарилди	21 000	9120-«Сотилган товарларнинг таннархи»	2960-«Комиссияга берилган товарлар»
Воситачига ҳақ ҳисобланди (3 450 – 450)	3 000	9410-«Сотиш харажатлари»	6990-«Бошқа мажбуриятлар»
Воситачилик ҳақи бўйича ҚҚС ҳисобланди	450	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловлари (турлари бўйича)»	6990-«Бошқа мажбуриятлар»
Чегирма акс этирилди (товарларни реализация қилиш санасидан кейин)	300	9050-«Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар»	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган сўтлар»
Чегирма бўйича ҚҚС тузатилди	45	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган сўтлар»
Воситачидан пул маблағлари келиб тушди	30 705	5110-«Ҳисоб-китоб сўти»	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган сўтлар»
Воситачига ҳақ суммаси ҳисобга олинди	3 450	6990-«Бошқа мажбуриятлар»	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган сўтлар»
Ҳисобот даври якунида 9050-сўтнинг ёпиш	300	9020-«Товарларни сотишдан даромадлар»	9050-«Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар»

## ВОСИТАЧИЛИК ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА ЧЕГИРМА ҲИСОБИ

13-бетда

Воситачида бухгалтерия ҳисоби:

Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Реализация қилинган товарлар ҳисобдан чиқарилди	34 500*		004-«Комиссияга қабул қилинган товарлар»
Сотиб олувчининг реализация қилинган товарлар учун қарзи ва комитент олдидаги қарз акс эттирилди	34 500	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» (сотиб олувчи)	6990-«Бошқа мажбуриятлар» (комитент)
Воситачилик ҳақи тарзидаги даромад акс эттирилди	3 000	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» (комитент)	9030-«Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар»
Воситачилик ҳақи суммасига ҚҚС ҳисобланди	450	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» (комитент)	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Чегирма акс эттирилди (товарларни реализация қилиш санасидан кейин)	300	6990-«Бошқа мажбуриятлар» (комитент)	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» (сотиб олувчи)
Чегирма бўйича ҚҚС тузатилди	45	6990-«Бошқа мажбуриятлар» (комитент)	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» (сотиб олувчи)
Сотиб олувчидан пул маблағлари келиб тушди	34 155	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» (сотиб олувчи)
Воситачилик ҳақи ҳисобга олинди	3 450	6990-«Бошқа мажбуриятлар» (комитент)	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» (комитент)
Комитентга бўлган қарз сўндирилди (воситачилик ҳақини чегирган ҳолда)	30 705	6990-«Бошқа мажбуриятлар» (комитент)	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»

\* Воситачиликка қабул қилинган товарлар ҳисоби 004-счётда қабул қилиш-топириш даволатномаларида назарда тутилган нархларда юртилади (Йўриқноманинг 439-б.).

### Комитент учун солиқ оқибатлари

#### Қўшилган қиймат солиғи

Воситачи унинг номидан сотиб олувчиларга товарларни реализация қилиш бўйича айланмани амалга ошириш санасида чегирмалар ёки бошқа тижорат бонуслари тақдим этилган комитент солиқ базасини бундай чегирмалар (тижорат бонуслари) чегирма ташланган ҳолдаги нархдан (тарифдан) келиб чиққан ҳолда аниқлайди (СК 248-м. 2-қ). Тегишинча, ҳисобварақ-фактурада етказиб бериш қиймати чегирмалар ҳисобга олинган ҳолда акс эттирилади.

Агар чегирмалар сотиб олувчилар томонидан муайян шартлар (товарларнинг муайян ҳажми сотиб олинса ёки муддатидан олдин тўлов амалга оширилса) бажарилган тақдирда тақдим этилса, солиқ базаси илгари амалга оширилган етказиб бериш бўйича тузатилади. Бунда чегирмалар тақдим этиш шартлари шартномада ёки сотувчининг нарх (тариф) сисёатига назарда тутилган бўлиши керак.

Тузатиш киритиш 1 йиллик муддат доирасида, кафолат муддати белгиланган товарлар бўйича эса – кафолат муддати доирасида амалга оширилади (СК 257-м.). Сотиб олувчи томонидан чегирма олиш шартларини бажариш санаси билан расмий-

лаштирилган қўшимча ҳисобварақ-фактура тузатиш киритиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

#### Фойда солиғи

Даромадлар уларнинг олинганлигини тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар, шу жумладан электрон ҳужжатлар, шунингдек солиқни ҳисобга олишга доир ҳужжатлар асосида аниқланади (СК 297-м. 4-қ.). Товари юклаб жўнатиш санасида чегирма тақдим этишда ҳисобварақ-фактурада чегирма ҳисобга олинган етказиб бериш қиймати акс эттирилгани сабабли, реализация қилишдан олинган даромад ҳам чегирмани инобатга олган ҳолда аниқланади.

Агарда сотиб олувчи томонидан муайян шартлар бажарилган тақдирда илгари амалга оширилган етказиб бериш бўйича чегирма тақдим этилса, комитент реализациядан олинган даромадга тузатиш киритади. Тузатиш киритиш тартиби – худди ҚҚСга тузатиш киритиш каби (СК 332-м.).

### Воситачи учун солиқ оқибатлари

Воситачи комитентнинг товарларни реализация қилиши боис сотиб олувчиларга чегирма тақдим этишда унда солиқ оқибатлари юзага келмайди.



«19-сон БҲМСга мувофиқ молиявий йилда неча марта инвентаризация ўтказилиши ташкилот раҳбари томонидан белгиланади. Аудиторлик ташкилоти қўшимча инвентаризацияни талаб қилишга ҳақлими?».

## АУДИТОР ИНВЕНТАРИЗАЦИЯНИ ТАЛАБ ҚИЛГАНДА

– Ҳақиқатан ҳам, 19-сон БҲМС «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш»га (АВ рақами 833, 2.11.1999 й.) мувофиқ ҳисобот йилидаги инвентаризация сони, уларни ўтказиш санаси, инвентаризация ўтказиладиган активлар ва мажбу-

риятлар рўйхати ҳўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан белгиланади. Бирок бу қоидадан истиснолар қилиниши ва мажбурий тартибда инвентаризация ўтказилиши мумкин (19-сон БҲМСнинг 1.5, 1.6 ва 2.7-бандлари):

Асос	Даврийлик
Мол-мулк ижарага берилганда, сотиб олинганда, сотилганда, шунингдек давлат қорхонаси ўзгартирилган (давлат тасарруфидан чиқарилган) чоғда қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда	Битимни амалга ошириш чоғида
Йиллик молиявий ҳисоботни тузиш олдидан, бундан инвентаризация ҳисобот йилининг 1 октябрдан кейин ўтказилган мол-мулк мустасно	ТМЗ бўйича инвентаризация бир йилда камида бир марта ўтказилади (4-сон БҲМС-нинг 90-б., АВ рақами 3259, 30.06.2020 й.). АВ бўйича инвентаризация 2 йилда камида бир марта, кутубхона фондлари бўйича эса 5 йилда бир марта ўтказилади (5-сон БҲМС-нинг 54-б., АВ рақами 1299, 20.01.2004 й.).
Пул маблағлари, пул ҳужжатлари, бойликлар ва қатъий ҳисобдаги бланкларни инвентаризация қилиш	Бир ойда бир марта
Ёнилғи-мойлаш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотларини инвентаризация қилиш.	Ҳар чоракда
Кимматбаҳо металлларни инвентаризация қилиш	Тармоқ йўриқномаларига мувофиқ
Айрим жойлар ва мавсумий тусда ишлайдиган қорхоналарда	Ишлаб чиқариш захиралари энг кам миқдорда қолганда
Асосий воситалар ва товар-моддий бойликлар қайта баҳоланганда	Қайта баҳоланганда
Моддий жавобгар шахслар алмашганда	Ишларни қабул қилиш-топириш қунида
Ўғирлик ёки суниестемол, шунингдек бойликларни ишдан чиқариш фактлари аниқланганда	Тегишли далилни белгилашда
Табий офатлар, ёнғинлар, фалокатлар ёки ғайритабiiий шароитлар юзага келтирган бошқа фавқуллода вазиятлар юз берганда	Содир бўлган ҳолат далили бўйича
Ҳўжалик юритувчи субъект тугатилганда (қайта ташкил этилганда) тугатиш (ажратиш) балансини тузиш олдидан ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда	Тартиб-таомилни ўтказиш чоғида
Жамоавий моддий жавобгарлик белгиланганда	Жамоа раҳбари ўзгарганда, жамоадан унинг 50%дан ортик аъзолари чиқиб кетганда, шунингдек жамоанинг битта ёки бир нечта аъзоси талаби билан

Инвентаризацияни белгиланган ҳолатлардан кам ўтказиб бўлмайди, лекин улардан кўпроқ ўтказиш мумкин – бунга чеклов йўқ. Тажрибамда шундай ҳолатлар ҳам бўлганки, товар қолдиқлари ҳар ойда инвентаризациядан ўтказилган. Бу нормал ҳолат ҳисобланади, ташкилотда ҳисоб юритиш сифати юқори даражада эканлигидан далолат беради.

Энди аудиторлик ташкилоти иштирокида инвентаризация қилиш ҳолатларини кўриб чиқамиз. Бунда иккита асосий омил мавжуд: аудиторлик текшируви буюртмачиси амал қиладиган стандартлар ҳамда аудиторлик ташкилоти билан шартнома тузиш муддати.


Ташкилот БҲМС бўйича фаолият юритган тақдирда ҳамда аудиторлик ташкилоти билан олдиндан, масалан, ёзда шартнома тузган бўлса, аудиторлик ташкилотининг ўзи инвентаризация даврийлигини кўриб чиқиш ва ушбу жараёни кузатиш ва унда иштирок этишдан манфаатдор бўлади. Сабаби у мазкур активларни тасдиқлаши, инвентаризация қилиш ҳақиқатда ўтказилганлиги далилини ҳамда ҳужжатларда кўрсатилган активлар мавжудлигини ва амалдагиларига мос келишини тасдиқлаши лозим бўлади.

Бошқа вазият – ўтган йил якунлари бўйича инвентаризация ўтказиб бўлингандан кейин февраль ойда аудиторлик текшируви ўтказилишига доир шартнома тузилади. Мазкур ҳолатда ташкилот томонидан мустақил равишда ўтказилган инвентаризация маълумотларини тасдиқлаш мақсадида аудиторлик ташкилоти мустақил, айтايлик, танлов асосида инвентаризация қилиши мумкин. Бирок аудитор қорхона томонидан мустақил равишда ўтказилган инвентаризацияни умуман эътиборга олмаслиги мумкин эмас. Қоидлага кўра, аудиторлик ташкилоти қорхона томонидан инвентаризация ўтказилганда қаерда хатоликка йўл қўйилган деб ҳисобласа, шуларни қайта текшириши мумкин.

Нихоят, агар ташкилот МҲХС бўйича фаолият юритса, бундай ташкилотларда аудиторлик текшируви чоғида аудиторлик ташкилотининг талабига кўра мажбурий тартибда инвентаризация ўтказилади. Бу – халқаро аудит стандартлари талаби, ушбу талабларга сўзсиз риоя этилиши лозим.

Светлана ГОЛОСОВА,  
«Tri-S-Audit» МҲД директори.

## ТЕХНОЛОГИК АСБОБ-УСКУНА: ЯНГИ ИМТИЁЗЛАР



Технологик асбоб-ускуналарни олиб кириш мавзуси сўнгги бир неча йил мобайнида долзарб масалалардан бўлиб қолди. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ўхшаши ишлаб чиқарилмайдиган четдан олиб кириладиган технологик асбоб-ускуналарга божхона божи ва қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар бериш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (27.11.2020 йилдаги 750-сон) чиқиши билан бу мавзуга алоҳида эътибор берилди.

Хужжатда айрим, «алоҳида нуфуздаги» товарлар тоифасига божхона имтиёзларини бериш механизмини такомиллаштириш ва мақбуллаштириш назарда тутилган бўлиб, бунда имтиёзни тақдим этиш 10 та рақамдан иборат ТИФ ТН кодида мувофиқ таснифланган фақат мазкур товар номини текшириш билан боғлиқ бўлади. Ҳозирги вақтда айрим товарлар бўйича 4 (позиция), 6 (субпозиция) ва 9 та (МДХ кичик субпозиция) рақамли кодлар қўрсатилган бўлиб, бу қўп ҳолларда божхона ҳуқуқий муносабатлари тарафлари томонидан турлича талкиларни келтириб чиқаради. Натижада Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатида (АВ рақами 2436, 20.03.2013 й.) назарда тутилган имтиёзларни тақдим этишнинг қонунийлигига доир масалалар юзага келади.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ва «Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда амалдаги Рўйхатни қайта кўриб чиқиш ва 2021 йил 1 январга қадар янгидан шакллантирилган Рўйхатни тасдиқлаш учун киритиш топширилган. Хужжат 2017–2019 йилларда импорт қилинган технологик асбоб-ускуналарнинг номенклатурасини ва уларнинг ўхшаши республикада ишлаб чиқарилиши мавжудлигини ўрганиш натижалари асосида янгидан шакллантирилади. Янгиланган Рўйхатда асбоб-ускуналарнинг 10 та рақамдан иборат ТИФ ТН коди ва асосий параметрлари кўрсатилади.

ВМнинг 750-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига четдан олиб киришда божхона божи ва қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинадиган, Ўзбекистон Республикасида ўхшаши ишлаб чиқарилмайдиган технологик асбоб-ускуналар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар ки-

ритиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган. Унда мазкур соҳада экспертиза ўтказиш ва хулоса бериш, шунингдек Рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби белгиланган.

### Экспертиза

Низомга мувофиқ янги йилдан бошлаб асбоб-ускуналарни олиб кираётганда импорт қилинаётган технологик асбоб-ускунанинг республикада ўхшаши ишлаб чиқарилиши мавжудлиги ёхуд мавжуд эмаслигини аниқлаш учун экспертиза хулосасини олиш мақсадида Марказга мурожаат қилиш лозим бўлади. Экспертиза бир ойлик муддатда бепул ўтказилади.

Экспертиза ўтказиш учун Марказга ариза берувчи куйидаги хужжатлар тўпламини тақдим этади:

- Низомга иловага мувофиқ шакл бўйича ариза;
- Рўйхатга киритиш/чиқариш таклиф этилаётган технологик асбоб-ускунанинг номи ва унинг тавсифини ўз ичига оладиган маълумот, шу жумладан, функционал вазифаси, техник параметрлари, чизмалар, схемалар ва бошқалар;
- технологик асбоб-ускунанинг паспорти (мавжуд бўлганда), у мавжуд бўлмаган тақдирда, 750-сон ВМҚнинг 5-бандига мувофиқ ишлаб чиқарувчининг асбоб-ускуналар у томонидан ишлаб чиқарилганлиги, жумладан, ишлаб чиқарилган йили тўғрисидаги тегишли маълумотларни ўз ичига олган бошқа хужжат;
- импорт контракти нусхаси (мавжуд бўлганда);
- Божхона кодексининг 52-бобига мувофиқ божхона органлари томонидан бериладиган ТИФ ТНга мувофиқ технологик асбоб-ускунанинг таснифланишига нисбатан дастлабки қарор (мавжуд бўлганда);
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудига технологик асбоб-ускунани ишлаб чиқариш ҳамжумлари ва қувватлари, уларнинг сертификатлари ва бошқа хужжатларнинг мавжудлиги (технологик асбоб-ускуна Рўйхатдан чиқариш тўғрисида ариза тушганда). *Ўйлашмики, айни вақтда гап ишлаб чиқарувчининг тури, қуввати ва бошқа хусусиятларига қўра ўхшаши бўлган, Рўйхатга киритилган асбоб-ускунани ундан чиқариш тўғрисида ариза бериш ҳуқуқига эга бўлган ишлаб чиқарувчи хусусида кетмоқда.*

Марказ ходимлари манфаатдор томоннинг мурожаатига асосан ариза берувчи фаолиятини амалга ошираётган (ишлаб чиқариш жойлашган) жойга чиқишлари мумкин. Хусусан, ТИФ ишпирокчиси ўзи олиб кираётган янги асбоб-ускуна ЎзРда ишлаб

чиқарилмаслиги ва уни Рўйхатга киритиш зарурлигини исботламоқчи бўлганда шундай имкониятдан фойдаланиши мумкин.

Ўхшаши технологик асбоб-ускуна республикада ишлаб чиқарилмаган тақдирда, Марказ Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тегишли хулосани юборади ҳамда 2 кун мобайнида ариза берувчининг товарни Рўйхатга киритиш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқиш учун жўнатилганлиги ҳақида хабардор қилинади.

Агар мамлакатда ўхшаши асбоб-ускуна ишлаб чиқарилиши мавжуд бўлса, ариза берувчи 2 кун мобайнида бу ҳақда хабардор қилинади ва хабарномага ишлаб чиқарувчилар реестри илова қилинади.

Марказ бир йилда камида бир марта мажбурий тартибда Рўйхатни экспертизадан ўтказиш ва технологик асбоб-ускунани Марказда мавжуд бўлган Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва «Ўзстандарт» агентлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар тўғрисида олинган маълумотлар асосида Рўйхатдан чиқариш ташаббуси билан чиқади.

### Рўйхат

Низомда Марказнинг хулосаси мавжуд бўлганда Рўйхатга ўзгартириш ва қўшимча киритиш тартиби белгиланган.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги экспертиза хулосаларини кўриб чиққач, умумлаштирилган маълумотларни зарурат бўлганда, бирок хар чоракда камида бир марта Молия вазирлиги, ИТСВ, ДБК, ССП ва «Ўзстандарт» агентлигига кўриб чиқиш ва келишиш учун юборади. Бу ташкилотларнинг кўриб чиқиши ва келишишига 10 календарь кун ажратилади. Келишиш натижалари бўйича киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар тегишли қарор лойиҳаси сифатида расмийлаштирилади ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

*Маълумот учун. Импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғини тўлаш бўйича имтиёзлар ТИФ ТН коди Рўйхатга киритилган технологик асбоб-ускуналарга нисбатан тақдим этилади.*

*Илгаридегидек* битта контрактга (шартномага) мувофиқ мазкур технологик асбоб-ускуналар билан бирга уларнинг ажралмас қисми сифатида етказиб берилган бутловчи ва эҳтиёт қисмларга ҳам имтиёзлар таъбиқ қилинади.

«Божхона» бўлимини махсус муҳбиримиз Гулнора АБДУНАЗАРОВА олиб боради.

## ЭЪЛОН

Давлат божхона қўмитаси электрон пломбалар тизимини божхона органлари фаолиятига тест режимида жорий этиш бўйича

### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 июндаги «Божхона маъмуриятчилигини ислох этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-6005-сон Фармонига асосан, электрон пломбалар орқали Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига товарларнинг ноқонуний киришининг олдини олиш ҳамда ҳаракатланаётган товар ва транспорт воситаларининг сифатли божхона назоратини таъминлаш бўйича чораларни ўз вақтида кўриш имконини берувчи товар ва транспорт воситаларини кузатиш тизимини тест режимида жорий этиш бўйича танлов эълон қилади.

Тижорат таклифлари 2021 йил 15 январь соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Танловга тижорат таклифининг келиб тушиш муддати Давлат божхона қўмитасида рўйхатга олинган кун ҳисобланади.

Тижорат таклифи Давлат божхона қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган техник талабнома асосида тақдим этилиши лозим.

Электрон пломбалар бўйича танловда қатнашадиган ташкилотлар куйидаги шартлар бўйича таклифларини келтириб ўтишлари зарур:

- 1) электрон пломбалар тизими хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан дастлабки босқичда бегараз асосларда (бепул 2 ойдан кам бўлмаган муддатга ёки 500 та транспорт воситаларида) синов тариқасида ишга туширилиши;
- 2) электрон пломбалар дастурий таъминоти ва сервер қурilmаси билан таъминланиши (ДБКда ўрнатилиши);
- 3) электрон пломбалар сони 50 (эллик) донадан кам бўлмаслиги лозим.

Қўшимча маълумотлар олиш учун +99878 120-76-00 (ички рақам 53-35 ва 53-07) телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Хужжатлар куйидаги манзилда қабул қилинади: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 3-уй, индекс 100003.

# БОЖХОНА ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ЯНАДА СОДДАЛАШТИРИШ ВА УЙҒУНЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

**1-бетда** (2016 йил), шунингдек божхона маъмуриятчилигини таъминлаштиришга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларимиз (12.04.2018 йилдаги ПФ-5414, 24.11.2018 йилдаги ПФ-5582-сон Фармонлар, 23.04.2019 йилдаги ПҚ-4297-сон қарор, 05.06.2020 йилдаги ПФ-6005-сон Фармон) қабул қилингунга қадар Конвенция қоидаларига мувофиқ бўлмаган. Иккинчидан, Конвенциянинг айрим қоидаларини амалга жорий қилиш (хавфларни бошқариш, ваколатли иқтисодий операторлар, божхона аудити, электрон божхона расмийлаштируви, «Ягона дарча» ААТ ва бошқалар) муайян вақт ва иқтисодий ресурсларни талаб қилган. Учинчидан, халқаро ташкилотлар (биринчи навбатда, Жаҳон савдо ташкилоти) билан интеграциялашувни кучайтириш бугунги кун ташқи сисъатимиздаги ташаббуслардандир.

– **Ўз навбатида, Конвенцияга қўшилишдан қутулаётган натижалар нималардан иборат?**

– Бу, биринчидан, Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Doing business» ва логистика самарадорлиги (LPI индекси) рейтингларида Ўзбекистон мавқеини юқори погоналарга кўтаришга хизмат қилади.

Иккинчидан, иқтисодиётга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратилади. Маълумот ўрнида шунга айтиш керакки, Ўзбекистон Республи-

каси божхона маъмуриятчилиги фаолиятининг Конвенция қоидаларига мувофиқлиги хорижий инвесторлар учун ишонч, барқарорлик, аниқлик ва ошқораликни таъминлайди.

Учинчидан, Конвенция қоидаларини амалиётга тўлиқ жорий қилиш учун муайян мuddат тақдим қилиниши сабабли, яқин уч йилликда миллий божхона қонунчилигини таъминлаштиришнинг стратегик йўналишлари белгиланади.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилишига ижобий таъсир кўрсатади. Конвенция қоидалари Жаҳон савдо ташкилотининг Тарифлар ва савдо бўйича Бош битимининг божхона органлари фаолиятига тегишли қоидалари ва тамойилларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Киото конвенциясига қўшилиш ташқи иқтисодий алоқалар соҳаси субъектлари, яъни хорижий компаниялар ва инвесторларга қандай енгилликлар беради? Келажакда уларнинг фаолиятида қандай ижобий ўзгаришларни кузатишимиз мумкин бўлади?

– Авваламбор, Конвенция жаҳондаги давлатлар учун норасмий божхона кодекси ҳисобланади. Унинг қоидалари божхона тартиботларини бирхиллаштиришга ва олдидан баҳорат қилиш мумкинлигига қаратилган. Натигада, дейлик, Жанубий-Шарқий Осиё ёки Болтиқбўйи давлатларидан экспорт ёки импорт билан шуғулланадиган хорижий инвестор Ўзбекистондаги ташқи савдонинг божхона қоидаларини ўргани-

ши учун ортиқча вақт ва молиявий маблағ сарфламайди. Яъни, келажакда Ўзбекистондаги божхона тартиботларининг умумий қоидалари Конвенциянинг 126 та давлатидаги божхона қоидалари билан бир хиллаштирилади.

Қолаверса, божхона органлари томонидан қарорларни қабул қилишда ТИФ қатнашчиларини кўпроқ жалб қилиш. Натигада божхона органлари фаолиятининг янада очиқлиги таъминланади ва ТИФнинг инвестициявий жозибадорлиги ошади. Яъни миллий қонунчилигимизга имплементация қилинмаган Конвенциянинг 6.8-стандартига асосан божхона органлари ТИФ қатнашчилари билан экспорт/импорт масалаларида ҳамкорлик қилишга интилиши керак ёки 8.5 ва 8.7-стандартларига асосан божхона органларининг ташқи иқтисодий фаолият йўналишидаги йиғилишларида ТИФ қатнашчилари катнашиши лозим.

Учинчидан, божхона органлари фаолиятида ахборот технологияларини кўпроқ қўллаш кўзда тутилади. Яъни «Е» махсус иловаси 1-3-бобларини тўлиқ реализация қилиш, ТИФ қатнашчиларининг транзит ҳаракатлини тезлаштириш, Бош илованинг 7-бобини реализация қилиш божхона органлари фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш асосида ТИФ томонидан маълумотларни инсон омилсиз олиш имкониятини таъминлаш имконини беради.

– **Конвенцияга қўшилиш маҳаллий тадбиркор-экспортёрлар учун нима афзалликлар беради?**

– Мазкур Конвенцияга қўшилганимиздан кейин «Ягона дарча» ААТ, карантин, ветеринария каби соҳалар уйғунлашсагина, хорижий давлатларга маҳсулотларимизнинг экспорт қилиниши янада қафолатланади, яъни тадбиркор учун қулай шароит яратилади.

Бундан ташқари, Конвенция стандартларини тўлиқ имплементация қилиш товарлар божхона назоратидан ўтказилишини янада тезлаштиришга ва сарфланадиган харажатларнинг камайишига олиб келади. Конвенцияда товарларни экспорт қилишга таъсир кўрсатадиган чегарадаги бошқа назорат қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорликда тадбирларни амалга ошириш; ташқи савдо фаолияти иштирокчилари билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш, божхона назоратини амалга оширишда хавфларни бошқариш тизимини қўллаш (6.5-стандарт) ва аудит (6.6-стандарт) асосида назоратни амалга ошириш мумкин бўлади.

– **Қонунга асосан каботаж ташишларини назарда тутувчи Конвенциянинг Махсус «Е» иловасининг 3-бобида қўшилмаяптир. Бунга нима сабаб бўлмоқда?**

«Каботаж ташишлари» – хорижий юк ташувчилар томонидан муайян давлат ҳудуди ичида транспорт хизматларини амалга оширишни англатади. Республикаимизни денгиз портларига тўғридан-тўғри чиқиш имкониятининг йўқлиги, шунингдек, бундай ташишларга рухсат бериш маҳаллий ташувчилар манфаатларига зарар етказиши мумкинлиги мазкур бобга қўшилмасликка сабаб бўлган.

Конвенцияга аъзо бўлган 126 давлатдан фақатгина 26 таси каботаж ташувчиларини назарда тутувчи бобга қўшилган, Ҳамдўстлик мамлакатларидан Россия, Арманистон, Қозоғистон ва Тожикистон мазкур бобни қабул қилмаганлар.

– **Миришод Рустамович, масалани атрофлича тушуинтириб берганингиз учун ташаккур.**

– **Сизга ҳам раҳмат.**

**Нодир АЛИМОВ суҳбатлаиди.**

## БАЙРАМ ШУКУҲИ

### БОЛАЛАР КУЛГАНДА...

Барча байрамлар кишига шодлик, кўтаринки кайфият бағишлайди. Лекин Янги йил байрамининг завқи ва шукуҳи ўзгача.

Бу байрамни катта-ю кичик яхши кўради, Янги йилни, айниқса, сеvimли болажонларимиз интиқлик билан кутадилар. Чунки у кичкинтойларга бир олам қувонч ва шодлик улашади.

Кунни кеча Сирдарё вилояти ҳокимлиги ва Гулистон шаҳар «Ногирон болалар ва уларнинг ота-оналари» уюшмаси билан ҳамкорликда шаҳар мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 15-сонли «Ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти» тарбияланувчилари учун хайрия тадбири ўтказилди.

Тадбирда болажонларга бадий китоблар, ўқув қуроллари ва Янги йил совғалари топширилди.

*Сирдарё вилояти божхона бошқармаси Ахборот хизмати.*



<p><b>СОЛИК ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ</b></p> <p>Молиявий-иқтисодий, ахборот-ҳуқуқий газета</p> <p><b>ТАЪСИСЧИ</b> «Norma» МҶМ</p> <p>Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.</p>	<p>Бош муҳаррир <b>Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОЕВ</b></p>	<p>Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб <b>Нодир Носирович АЛИМОВ</b></p> <p>Саҳифаловчи <b>Наталья БАРАНОВА</b></p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ: 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўча, 1/1 ТЕЛЕФОН/ФАКС Тахририят: (71) 200-00-90; E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz</p>	<p>Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.</p>
--	--	--	---	---